

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**36-сон**  
**(380)**  
**2009 йил**  
**7 сентябрь**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Бешинчи бўлим*

394. «Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директорининг 2009 йил 16 июлдаги 2009-40-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2000*)
395. «Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бош қарувининг 2009 йил 15 августдаги 23/2-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1648-4*)

396. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхатига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2009 йил 15 августдаги 80, 84, ЭГ-в-01/10-5247, 01-02/20-21-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1802-2*)
397. «Футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларига ўқувчилар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат тест марказининг 2009 йил 19 августдаги 31, 25/ҚҚ-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2001*)
398. «Тўлов агентлик тармоғи орқали жисмоний шахсларнинг тўловларини қабул қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2009 йил 15 августдаги 311-В, 2009-26, 252-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2002*)
400. «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни чиқариш, давлат рўйхатига олиш ва сўндириш (бекор қилиш) тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор ва унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2009 йил 6 июндаги 17/2, 2009-31-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 3 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1216-6*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 29 августдан 4 сентябргача бўлган маълумот

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ  
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

### **394 Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2000*

*(2009 йил 9 сентябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2002 йил 7 июндаги 2002-10-сонли «Корпоратив облигацияларни чиқариш, чиқарилувни давлат рўйхатига олиш ва сўндириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1158, 2002 йил 10 июль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 13-сон);

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2002 йил 7 июндаги 2002-11-сонли «Акциядорлик жамиятлари акциялари чиқарилувини давлат рўйхатига олиш ва чиқарилуви-

ни бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1159, 2002 йил 10 июль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 13-сон);

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2003 йил 5 сентябрдаги 2003-17-сонли «Акциядорлик жамиятлари акциялари чиқарилувини давлат рўйхатига олиш ва чиқарилувини бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1159-1, 2003 йил 12 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 21-22-сон);

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2004 йил 10 майдаги 2004-08-сонли «Корпоратив облигацияларни чиқариш, чиқарилувни давлат рўйхатига олиш ва сўндириш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1158-1, 2004 йил 26 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 21-сон, 258-модда);

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2005 йил 16 декабрдаги 2005-17-сонли «Акциядорлик жамиятлари акциялари чиқарилувини давлат рўйхатига олиш ва чиқарилувини бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1159-2, 2006 йил 20 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 3-сон, 21-модда);

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2006 йил 6 сентябрдаги 2006-09-сонли «Корпоратив облигацияларни чиқариш, чиқарилувни давлат рўйхатига олиш ва сўндириш тартиби тўғрисида низомга қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1158-2, 2006 йил 11 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 383-модда).

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Бош директор**

**К. ТОЛИПОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 16 июль,  
2009-40-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги  
Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини  
мувофиқлаштириш ва назорат қилиш  
маркази Бош директорининг 2009 йил  
16 июлдаги 2009-40-сон буйруғига  
ИЛОВА

### **Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда), «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 61-модда) қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эмиссиявий қимматли қоғозларни (бундан кейинги ўринларда қимматли қоғозлар деб юритилади) чиқариш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини белгилайди.

Мазкур Қоидалар талаблари давлат қимматли қоғозларига татбиқ қилинмайди.

#### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**акция** — ўз эгасининг акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олишга, акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этишга ва у тугатилганидан кейин қоладиган мол-мулкнинг бир қисмига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи, амал қилиш муддати белгиланмаган эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғоз;

**акцияларни бирламчи чиқариш** — акциядорлик жамиятининг муассислари орасида жойлаштириладиган акцияларнинг пайдо бўлишига қаратилган ҳаракатлари;

**акцияларни қўшимча чиқариш** — акциядорлик жамиятининг бирламчи чиқарилган акциялар жойлаштирилгандан сўнг амалга ошириладиган акцияларнинг пайдо бўлишига қаратилган ҳаракатлари;

**ёпиқ обуна** — қимматли қоғозларни олдиндан маълум бўлган, сони чекланган инвесторлар орасида оммавий эълон бермаган ва реклама кампанияси ўтказмаган ҳолда жойлаштириш;

**корпоратив облигация** (бундан кейинги ўринларда облигация деб юритилади) — очиқ акциядорлик жамиятлари томонидан чиқарилган, облигацияни сақловчининг облигациянинг номинал қийматини ёки бошқа мулккий эквивалентини облигацияни чиқарган шахсдан облигацияда назарда

тутилган муддатда олишга, облигациянинг номинал қийматидан қайд этилган фоизни олишга бўлган ҳуқуқини ёхуд бошқа мулкый ҳуқуқларини тасдиқловчи эмиссиявий қимматли қоғоз;

**облигациялар муомала муддатларининг тугаши тўғрисидаги билдиришнома** — облигацияларни сўндириш мақсадида уларни қайтариб сотиб олиш натижалари тўғрисидаги эмитентнинг ҳисоботи;

**очиқ обуна** — қимматли қоғозларни сони чекланмаган инвесторлар орасида рекламадан фойдаланган ҳолда жойлаштириш;

**рўйхатдан ўтказувчи орган** — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ва унинг ҳудудий бошқармалари;

**чиқариш натижалари тўғрисидаги билдиришнома** — қимматли қоғозларни жойлаштириш натижалари тўғрисидаги эмитентнинг ҳисоботи;

**эмиссиявий қимматли қоғозлар** — битта чиқарилиши доирасида бир хил белгилар ва реквизитларга эга бўлган, мазкур чиқарилиш учун ягона шартлар асосида жойлаштириладиган ҳамда муомалада бўладиган қимматли қоғозлар;

**Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестри** (бундан кейинги ўринларда ЯДР деб юритилади) — рўйхатдан ўтказилган эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг рўйхати;

**эмитент** — эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарувчи ва улар юзасидан қимматли қоғозларнинг эгалари олдида мажбуриятлари бўлган юридик шахс;

**эмитентга хизмат кўрсатувчи депозитарий** — эмитент билан депозитар хизмат кўрсатишга шартнома тузган депозитарий;

**эмитентнинг бошқарув органи** — акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши;

**Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси** — депозитарийларда депо ҳисобварақлари бўйича эмиссиявий қимматли қоғозларни сақлаш, бундай қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳаракати ягона тизимини таъминловчи давлат депозитарийси;

**қимматли қоғозларни жойлаштириш** — қимматли қоғозларни битимлар тузиш орқали уларнинг дастлабки эгаларига бериш;

**қимматли қоғозларнинг муомаласи** — қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган, қимматли қоғозларнинг эгаси алмашувига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар;

**қимматли қоғозларни сўндириш** — эмитентнинг ўз қимматли қоғозларини мазкур Қоидаларда белгиланган тартибда Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестрига тегишли ёзувларни киритган ҳолда қайта сотиб олиши ва ушбу қимматли қоғозларни муомаладан чиқариш;

**қимматли қоғозларни чиқариш** — юридик шахснинг фуқаролик

ҳуқуқларининг объекти сифатида қимматли қоғозлар пайдо бўлишига қаратилган ҳаракатлари;

**қимматли қоғозлар эгаси** — қимматли қоғозлар ўзига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

**қимматли қоғозлар эмиссия рисоласи** (бундан кейинги ўринларда рисола деб юритилади) — эмитент ва у чиқарадиган қимматли қоғозлар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, инвесторнинг қимматли қоғозлар олиш тўғрисидаги қарорига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ахборотни акс эттирувчи ҳужжат;

**қимматли қоғозлар эмиссияси** — эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш;

**қимматли қоғозларнинг янги чиқарилиши** — акциядорлик жамиятининг илгари чиқарилган қимматли қоғозлар тўлиқ жойлаштирилгандан сўнг амалга ошириладиган қимматли қоғозларнинг айирбошлаш (номинал қийматининг ўзгариши, ҳуқуқларнинг ўзгариши, йириклаштириш ва майдалаш) йўли билан пайдо бўлишига қаратилган ҳаракатлари.

## II. Акцияларни чиқариш

2. Эмитент акциядорлик жамияти шаклида тузилаётганда барча акциялар унинг муассислари орасида жойлаштирилиши лозим.

3. Эмитент акциядорлик жамияти шаклида тузилаётганда муассислар ўртасида жойлаштирилиши лозим бўлган акцияларнинг типлари, улар бўйича тўлов миқдори, шакли ва тартиби, шунингдек устав капиталининг миқдори қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда уни тузиш тўғрисидаги таъсис шартномаси ёки эмитент устави билан белгиланади.

4. Эмитент уставида акциядорлар томонидан сотиб олинган акцияларнинг (жойлаштирилган акциялар) типлари, сони ва номинал қиймати белгиланган бўлиши керак.

Эмитент уставида эмитент жойлаштирилган акцияларга (эълон қилинган акциялар) қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган акцияларнинг сони, номинал қиймати ва типлари белгиланиши мумкин. Уставда ушбу Қоидалар мавжуд бўлмаганда эмитент қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас. Эмитентнинг устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан ошириш тўғрисидаги қарорининг қабул қилиниши фақат уставга, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда эмитентнинг эълон қилинган акциялари сонини аниқлаш ёки ошириш қисмига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганидан кейин амалга оширилиши мумкин. Қўшимча акциялар фақат эмитент уставида белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасида жойлаштирилиши мумкин.

Агар эмитент уставида муайян типдаги эълон қилинган акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари белгилаб қўйилган бўлса, уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган ушбу типдаги қўшимча акцияларни

жойлаштириш тартиби ва шартлари эмитент уставининг кўрсатилган қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.

5. Акцияларни қўшимча чиқариш фақат эмитентнинг илгари жойлаштирилган барча акциялари тўлиқ тўлангандан кейингина амалга оширилиши мумкин. Акцияларни қўшимча чиқариш тўғрисидаги қарор фақат эмитент уставига киритиладиган акцияларнинг олдинги чиқарилиши натижаларига кўра жойлаштирилган ва эълон қилинган акциялар сонининг янги миқдorigа нисбатан киритилган ўзгаришлар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин қабул қилиниши мумкин.

6. Акцияларнинг номинал қиймати Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ифодаланиши лозим.

7. Эмитент бир чиқарилиш доирасида оддий ва имтиёзли акцияларни жойлаштиришни назарда тутувчи акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Бунда агар барча имтиёзли акцияларни жойлаштирилганда ва бир дона ҳам оддий акциялар жойлаштирилмаганда эмитент имтиёзли акцияларининг номинал қиймати унинг устав капиталининг 20 фоизидан ошса, обуна йўли билан жойлаштириладиган оддий ва имтиёзли акцияларнинг чиқарилишларини бир вақтнинг ўзида давлат рўйхатидан ўтказишни амалга ошириш мумкин эмас.

Бир чиқарилиш доирасида турли қимматли қоғозлар турларини чиқаришга йўл қўйилмайди.

8. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати эмитентнинг рўйхатдан ўтказилган устав капиталининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим. Бир ёки бир нечта типдаги имтиёзли акцияларнинг чиқарилиш эҳтимоли, уларнинг ҳар бири бўйича дивиденд миқдори ва (ёки) тугатилиш қиймати, улар берган ҳуқуқлар ҳажми эмитент устави билан белгиланади. Бир типдаги имтиёзли акциялар уларнинг эгаларига бир хил ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

9. Эмитент қўшимча акцияларни жойлаштиришни обуна ёки айирбошлаш орқали амалга оширишга ҳақлидир.

Эмитент — очик акциядорлик жамияти қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда у томонидан чиқарилган акцияларга очик обуна (оммавий жойлаштириш) ўтказишга ва уларнинг эркин савдосини амалга оширишга ҳақлидир. Эмитент — очик акциядорлик жамияти у томонидан чиқарилган акцияларга ёпиқ обуна (хусусий жойлаштириш) ўтказишга ҳақлидир, ёпиқ обуна ўтказиш имконияти эмитент устави ёки қонун ҳужжатлари талаблари билан чеклаб қўйилган ҳолатлар бундан мустасно.

Эмитент — ёпиқ акциядорлик жамияти акцияларни очик обуна воситасида жойлаштиришни ўтказишга ёки уларни чекланмаган доирадаги шахсларга сотиб олиш учун бошқача тарзда таклиф этишга ҳақли эмас.

10. Эмитент акциядорлари очик обуна воситасида жойлаштириладиган қўшимча акцияларни эмитент уставида белгиланган тартибда уларга тегишли ушбу типдаги акциялар сонига мутаносиб равишда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.



11. Акцияларни имтиёзли олиш ҳуқуқини бошқа шахсга беришга йўл қўйилмайди.

Ушбу банднинг қоидалари, шунингдек, акцияларни айирбошлаш шартномаси бўйича бошқа шахсга беришда қўлланилади.

### **III. Устав капитали ҳажмининг ўзгариши содир бўлганда акциялар чиқариш**

12. Акциядорлик жамияти шаклида фаолият юритувчи эмитентнинг устав капитали акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

13. Устав капиталини акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш фақат эмитентнинг ўз капиталини капитализация қилиш ҳисобига амалга оширилади.

Устав капиталини жойлаштирилган акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтиришда эмитент томонидан оширилган номинал қийматга эга акцияларнинг янги чиқарилиши амалга оширади.

Бунда паст номинал қийматга эга бўлган жойлаштирилган акциялар янгидан чиқарилган номинал қиймати оширилган акцияларга айирбошланади.

14. Устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш эмитентнинг ўз капиталини капиталлаштириш ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

Эмитент устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан ўз капиталини капиталлаштириш ҳисобига кўпайтиришда ушбу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга унга тегишли акциялар билан бир типдаги акциялар, унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

Эмитентнинг акциядорлари орасида қўшимча акцияларини тақсимлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган реестрни ёпиш санасига амалга оширилади. Кўрсатилган сана акцияларнинг қўшимча чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кунидан бошлаб ўттиз кундан кечикмасдан бошланиши лозим.

Қўшимча акцияларни тақсимлаш натижасида акциядорларнинг — бутун акциялар эгаларининг касрий акциялари пайдо бўлишига йўл қўйилмайди.

15. Капиталлаштиришга йўналтирилган ўз капитал манбалари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

16. Акциядорлик жамияти шаклида фаолият юритаётган эмитентнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини пасайтириш ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан эмитент томонидан акцияларнинг бир қисмини уларни кейинчалик сўндириш шarti билан сотиб олиши йўли билан камайтирилиши мумкин.

17. Устав капиталини жойлаштирилган акциялар номинал қийматини

пасайтириш йўли билан камайтиришда эмитент томонидан пасайтирилган номинал қийматга эга акцияларнинг янги чиқарилиши амалга оширилади.

Бунда, юқори номинал қийматга эга бўлган жойлаштирилган акциялар янгидан чиқарилган номинал қиймати пасайтирилган акцияларга айирбошланади.

18. Эмитент устав капиталининг камайтирилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни мазкур Қоидаларда назарда тутилган тартибда ва муддатларда тақдим этиши шарт.

#### **IV. Акцияларни йириклаштириш ва майдалашда акцияларни чиқариш**

19. Эмитент акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жойлаштирилган акцияларни устав капитали миқдорини ўзгартирмаган ҳолда худди шу типдаги акцияларнинг янги чиқарилишини амалга ошириш йўли билан майдалашни ёки йириклаштиришни ўтказиши мумкин.

Майдаланган ёки йириклаштирилган тақдирда касрий акцияларнинг пайдо бўлишига йўл қўйилмайди.

20. Жойлаштирилган акцияларни йириклаштириш ёки майдалашда эмитент томонидан кўпайтирилган ёки камайтирилган номинал қийматга эга акцияларнинг янги чиқарилиши амалга оширилади.

Бунда, жойлаштирилган акциялар бошқа номинал қийматга эга янги чиқарилган акцияларга айирбошланади.

#### **V. Облигацияларни чиқариш**

21. Эмитент — очик акциядорлик жамияти облигациялар чиқаришга ҳақлидир. Эмитент томонидан облигацияларни чиқариш агар эмитентнинг уставида бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, кузатув кенгаши қарорига мувофиқ амалга оширилади.

22. Облигациялар фақат очик акциядорлик жамиятлари:

а) аудиторлик ташкилотининг хулосаси билан тасдиқланган ўз капиталининг облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган санадаги миқдори доирасида;

б) кейинги уч йил мобайнида рентабеллик, тўловга қобилиятлилик, молиявий барқарорлик ва ликвидликнинг аудиторлик ташкилоти хулосалари билан тасдиқланган ижобий кўрсаткичларига эга, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил рейтинг баҳосини олган бўлса;

в) инвесторларга тегишли маблағларнинг эмитентлар томонидан тўлалиши бўйича тўлов агентлари вазифасини бажарувчи тижорат банклари иштирокида;

г) устав капиталини қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан кам бўлмаган миқдорда шакллантирган;

д) камида уч йилдан бери фаолият юритаётган эмитентлар чиқариши мумкин.

23. Облигациялар уларнинг эгаларига очик акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини бермайди.

24. Эмитент томонидан чиқарилган барча облигацияларнинг номинал қиймати ўз капиталининг миқдоридан ошмаслиги керак.

25. Облигация унинг олинган вақтидан қатъи назар, бир чиқарилиш ичида ҳуқуқларни амалга оширишда тенг ҳажмлар ва муддатларга эга.

26. Устав фондининг шаклланганига қадар, шунингдек, уни тўлдириш ёки эмитентнинг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ зарарларни қоплаш учун облигациялар чиқаришга йўл қўйилмайди.

27. Облигациялар ҳужжатли ва ҳужжатсиз шаклда чиқарилиши мумкин.

28. Ҳужжатли шаклдаги облигациялар жойлаштирилган тақдирда облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарорнинг барча нусхаларига облигация бланкининг намунаси (баёни) тикилади. Облигация бланкининг намунаси (баёни) мазкур Қоидаларнинг 45-бандида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

29. Фоизли, дисконтли, ютуқли ва мақсадли (фоизсиз) облигациялар чиқарилиши мумкин.

Фоизли облигациянинг даромади чиқарилиш шартлари билан белгиланган номинал қиймати бўйича белгиланган муддатда сўндириш ва қайд этилган фоизларни тўлаш ҳисобига ташкил этади.

Дисконтли облигациянинг даромади номинал қиймати бўйича белгиланган муддатда сўндириш ҳисобига, бунда даромад сотиш баҳоси ва облигациянинг номинал қиймати ўртасидаги фарқ ҳисобига ташкил этади.

Ютуқли облигацияларни чиқаришда номинал қийматга фоиз ёки дисконт кўринишида белгиланган даромадга қўшимча равишда мунтазам ўтказиб туриладиган тиражлар бўйича ютуқ кўринишида тўланадиган даромад белгиланиши керак. Даромади мунтазам равишда ўтказиб туриладиган тиражлар бўйича ютуқ кўринишида белгиланадиган облигацияларни чиқаришга йўл қўйилмайди.

Мақсадли (фоизсиз) облигациялар бўйича даромад товар (хизмат) кўринишида белгиланади. Қайси товар (хизмат) асосида чиқарилганлигини кўрсатиш мақсадли облигацияларнинг мажбурий реқвизити ҳисобланади.

Облигацияларнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари ни муомалага чиқаришга йўл қўйилади.

30. Банкнинг берилган кредитлар ва бошқа активларини таъминлаш бўйича қимматли қарз қоғозлари мазкур Қоидалар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда облигациялар кўринишида чиқарилиши мумкин.

## **VI. Қимматли қоғозлар эмиссиясининг босқичлари**

31. Қимматли қоғозлар эмиссияси, агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

а) қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш ва тасдиқлаш;

- б) рисолани тасдиқлаш;
- в) қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорни ва рисолани Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида (тижорат банклари учун) келиши;
- г) қимматли қоғозлар чиқаришни давлат рўйхатидан ўтказиш;
- д) қимматли қоғозлар чиқаришни Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида ҳисобга олиш;
- е) қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги ахборотни қонун ҳужжатлари ва мазкур Қоидаларда белгиланган тартибда ошкор қилиш;
- ж) чиқарилишдаги қимматли қоғозларни жойлаштириш;
- з) рўйхатдан ўтказувчи органга қимматли қоғозларни чиқариш натижалари тўғрисида билдиришнома тақдим этиш.

## **VII. Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор**

32. Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қонун ҳужжатлари ва эмитент уставига мувофиқ эмитентнинг бошқарув органи томонидан қабул қилинади ва тасдиқланади.

33. Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор:

акциялар чиқаришда (қўшимча, янги чиқаришда) мазкур Қоидаларнинг 1-иловасига мувофиқ;

облигациялар чиқаришда мазкур Қоидаларнинг 1а-иловасига мувофиқ барча ахборотни ўз ичига олиши лозим.

34. Қимматли қоғозларнинг ҳар бир чиқарилиши бўйича бу тўғрисида алоҳида қарор рўйхатдан ўтказилиши лозим.

35. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган рисола давлат корхонаси акциядорлик жамиятига айлантирилаётганда акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарори бўлиб ҳисобланади.

36. Эмитент мажбуриятларининг бажарилиши гаров, банк кафолати ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усуллар билан қўшимча таъминланадиган облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарор, шунингдек, қўшимча таъминот тақдим этган шахс тўғрисидаги ва таъминот шартлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак. Бунда, облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарор, шунингдек, қўшимча таъминот тақдим этган шахс томонидан имзоланиши керак.

37. Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор бир вақтнинг ўзида бир чиқарилишдаги қимматли қоғозларни хусусий ва оммавий жойлаштиришни назарда тутмаслиги керак (Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукумати қарорларидан келиб чиқувчи ҳолатлар бундан мустасно).

38. Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорда қимматли қоғозларнинг чиқарилиши амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда эмитент томонидан қимматли қоғозлар учун тўлов сифатида олинган маблағларни инвесторга қайтариш тартиби назарда тутилган бўлиши керак.

39. Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ўз навбатида чиқариш тўғрисидаги қарорда мавжуд барча ахборотнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини тасдиқловчи эмитентнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи вазифасини бажарувчи шахс ёки коллегиал ижроия органи раҳбари, шунингдек эмитентнинг бош ҳисобчиси (унинг вазифасини бажарувчи бошқа шахс) томонидан имзоланиши керак. Агар эмитентнинг жорий фаолиятини бошқариш тижорат ташкилотига (ташкилот бошқарувчисига) ёки хусусий тадбиркорга (бошқарувчига) берилган бўлса, чиқариш тўғрисидаги қарор бошқарувчи ташкилот раҳбари (биринчи шахси) ёки бошқарувчи томонидан имзоланиши керак.

### **VIII. Рисолани тайёрлаш**

40. Рисола эмитент бошқарув органи томонидан тасдиқланади ва қуйидагиларга мувофиқ барча ахборотни ўз ичига олади:

тижорат банклари учун — мазкур Қоидаларнинг 2-иловасига;

давлат корхоналари акциядорлик жамиятларига айлантирилаётганда — мазкур Қоидаларнинг 2а-иловасига;

бошқа акциядорлик жамиятлари учун — мазкур Қоидаларнинг 2б-иловасига.

Хусусийлаштириш инвестиция фонди ва инвестиция фондининг рисолаларининг намунавий шакли қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Охирги уч йил мобайнидаги ёки эмитент ташкил топган пайтдан бошлаб, агар бу муддат уч йилдан кам бўлса, ҳар бир тугалланган йил учун эмитентнинг молиявий ҳисоботлари аудитор томонидан ҳар йили мажбурий текширишдан ўтказилганлигини тасдиқлаш учун рисолага аудиторлик хулосалари илова қилинади.

41. Агар эмитент объектив сабабларга кўра рисолада талаб қилинадиган бирон-бир ахборотни кўрсата олмаса, рисоланинг тегишли бандига ахборот йўқлигининг сабаби кўрсатилган ҳолда (масалан: «Операциялар ўтказилмади», «Жазолар қўлланилмади» ва шу кабилар), «маълумотлар йўқ» (ёки бошқа шунга ўхшаш мазмундаги) ёзуви киритилади.

42. Рисола рисоладаги барча ахборотнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини тасдиқловчи эмитентнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи ёки коллегиал ижроия органи раҳбари вазифасини бажарувчи шахс, шунингдек эмитентнинг бош ҳисобчиси (унинг вазифасини бажарувчи бошқа шахс) томонидан имзоланиши лозим. Агар эмитентнинг жорий фаолиятини бошқариш тижорат ташкилотига (ташкилот бошқарувчисига) ёки якка тартибдаги тадбиркорга (бошқарувчига) берилган бўлса, чиқарилиш тўғрисидаги қарор бошқарувчи ташкилот раҳбари (биринчи шахси) ёки бошқарувчи томонидан имзоланиши керак.

Рисола қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот мажбурий тарзда жалб этилган тақдирда, шунингдек, рисолада кўрсатилган тегишли ахборотнинг тўғрилигини тасдиқловчи ушбу баҳоловчи ташкилот томонидан имзоланиши керак.

Қўшимча таъминотга эга облигациялар чиқарилган тақдирда қўшимча таъминот тақдим этган шахс қўшимча таъминот тўғрисидаги ахборотнинг тўғрилигини тасдиқлаган ҳолда рисола имзолаши шарт.

### **IX. Қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш**

43. Қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун эмитент рўйхатдан ўтказувчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

а) мазкур Қоидаларнинг 3-иловасига мувофиқ расмийлаштирилган қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза;

б) мазкур Қоидаларнинг 4-иловасига мувофиқ расмийлаштирилган, давлат рўйхатидан ўтказишга тақдим этилган ҳужжатлар рўйхати (икки нусхада);

в) эмитент уставининг нотариал тасдиқланган нусхаси, барча рўйхатдан ўтказилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан (икки нусхада);

г) юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

д) мазкур Қоидаларга мувофиқ расмийлаштирилган қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор (уч нусхада);

е) мазкур Қоидаларга мувофиқ расмийлаштирилган рисола (уч нусхада);

ж) қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинганлигини тасдиқловчи акциядорларнинг умумий йиғилиши баённома нусхаси ёки баённомасидан кўчирма, шунингдек, санок комиссияси томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган кворум ва овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённома нусхаси ёки баённомасидан кўчирма, кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда эса — овоз беришда иштирок этган кузатув кенгаши аъзоларининг фамилияси, исми, шарифлари кўрсатилган йиғилиш баённома нусхаси ёки баённомасидан кўчирма (икки нусхада);

з) қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор тасдиқланганлигини тасдиқловчи акциядорларнинг умумий йиғилиши баённома нусхаси ёки баённомасидан кўчирма, шунингдек, санок комиссияси томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган кворум ва овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённома нусхаси ёки баённомасидан кўчирма, кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор тасдиқланган тақдирда эса — овоз беришда иштирок этган кузатув кенгаши аъзоларининг фамилияси, исми, шарифлари кўрсатилган йиғилиш баённома нусхаси ёки баённомасидан кўчирма (икки нусхада);

и) рисола тасдиқланганлигини тасдиқловчи акциядорларнинг умумий йиғилиши баённома нусхаси ёки баённомасидан кўчирма, шунингдек санок комиссияси томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган кворум ва овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённома нусхаси ёки баённомасидан кўчир-

ма, кузатув кенгаши томонидан рисола тасдиқланган тақдирда эса — овоз беришда иштирок этган кузатув кенгаши аъзоларининг фамилияси, исми, шарифлари кўрсатилган йиғилиш баённома нусхаси ёки баённомасидан кўчирма (икки нусхада);

к) эмитентнинг мазкур Қоидаларнинг 5-иловасига мувофиқ расмийлаштирилган рўйхатдан ўтказиш картаси (икки нусхада);

л) қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиш учун белгиланган йиғим тўланганлиги тўғрисидаги банкнинг тўлов ўтказилганлиги тўғрисида белгиси қўйилган тўлов ҳужжати;

м) қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказилганлик учун белгиланган йиғим тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), банкнинг тўлов ўтказилганлиги тўғрисида белгиси қўйилган ҳолда;

н) мазкур Қоидаларнинг 44 ва 45-бандларига, шунингдек, қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳужжатлар.

44. Облигацияларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга қўшимча равишда қуйдагилар тақдим этилиши керак:

а) агар облигацияларнинг чиқариш мажбуриятларининг бажарилишини таъминлашга мол-мулк тақдим этилса, Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ мол-мулкни баҳоланганлигини тасдиқловчи баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот нусхаси, шунингдек, ушбу мол-мулкнинг гаровга берувчида мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат;

б) облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарор тасдиқланишидан олдинги охирги тугалланган молиявий йил учун ва охирги чорак учун облигацияларни чиқариш бўйича таъминотни тақдим этган (тақдим этаётган) учинчи шахснинг (шахсларнинг) бухгалтерия ҳисоботлари;

в) эмитентга учинчи шахс (шахслар) томонидан ушбу эмитентнинг чиқарилаётган облигациялари мажбуриятлари бўйича бундай қўшимча таъминот мавжуд бўлганда қўшимча таъминот (гаров, банк кафолати ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усул) берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси;

г) эмитентнинг охирги уч йил давомида рентабеллик, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик ва ликвидлик бўйича ижобий кўрсаткичлари мавжудлигини тасдиқловчи аудиторлик ташкилотининг хулосаси;

д) аудиторлик ташкилотининг эмитентнинг облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарор тасдиқланган санадаги ўз капитали миқдорини (Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида) тасдиқловчи хулосаси;

е) эмитентнинг рейтинг агентлиги томонидан тасдиқланган мустақил рейтинг баҳоси мавжуд ҳужжат нусхаси. Бунда, эмитентга рейтинг баҳосини бериш санаси облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санагача уч ойдан ошмаслиги керак;

ж) облигациялар андеррайтер (андеррайтерлар гуруҳи) томонидан жойлаштирилганда эмитент ва андеррайтер (андеррайтерлар гуруҳи) ўртасида

облигацияларни жойлаштириш шартлари кўрсатган ҳолда тузилган шартнома нусхаси;

з) эмитент томонидан инвесторларга тўланиши лозим бўлган маблағларни тўлаш бўйича эмитент ва тижорат банки ўртасида тузилган, ушбу банк томонидан тўлов агенти вазифасининг бажарилиши тўғрисидаги шартнома нусхаси. Банк томонидан облигациялар чиқарилганда инвесторларга тўланиши лозим бўлган маблағларни тўлаш бўйича тўлов агенти вазифаси банк-эмитент томонидан мустақил равишда ёхуд бошқа банк томонидан амалга ошириши мумкин.

45. Агар облигацияларни чиқариш ҳужжатли шаклда амалга оширилса, рўйхатдан ўтказувчи органга облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарор билан бирга қуйидаги мажбурий реквизитларни ўз ичига олган облигация бланкининг намунасини тақдим этиш лозим:

а) чиқаришни давлат рўйхатидан ўтказиш санаси ва давлат рўйхат (идентификация) рақамини кўрсатиш учун жойни;

б) эмитентнинг тўлиқ фирма номи, унинг жойлашган жойини (почта манзили);

в) облигацияларнинг тури, тоифасини (типи);

г) облигациянинг номинал қийматини;

д) ушбу чиқаришдаги облигацияларнинг умумий сонини кўрсатиш;

е) облигация эгасининг номи ёзилган ёки тақдим этувчига тегишлилигини кўрсатиш;

ж) облигация бланкининг тартиб рақами ва сериясини;

з) облигация эгасининг облигация билан биркитилган ҳуқуқларини;

и) даромаднинг фоиз ставкасини (агар у чиқариш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган бўлса);

к) тиражлар, ўйинлар (ютуқли облигациялар учун) ўтказиш шартларини;

л) улар қайси товар асосида чиқарилганини кўрсатиш (мақсадли облигациялар учун);

м) облигацияни сўндириш шартларини;

н) таъминотни тақдим этган шахс томонидан мажбуриятлар бажарилишининг шартлари ва облигациялар таъминот асосида чиқарилган тақдирда ушбу шахс тўғрисидаги маълумотларни;

о) юридик шахснинг фирма номини ёхуд жисмоний шахснинг — облигация сакловчининг фамилияси, исми, шарифини кўрсатиш учун жойни (эгасининг номи ёзилган облигациялар учун);

п) эмитентнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи функциясини амалга ошираётган ёки коллегиял ижроия органи раҳбари вазифасини бажарувчи шахснинг, шунингдек, эмитент бош ҳисобчисининг имзосини ва эмитентнинг асосий муҳрини кўрсатиш учун жой;

р) қимматли қоғозларнинг аниқ бир тури учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа реквизитлар.

Эмитент облигациялар бланкига қонун ҳужжатларига, мазкур Қоидаларга ва мажбурий реквизитларнинг мазмунига зид бўлмаган бошқа қўшимча реквизитларни киритиш ҳуқуқига эга.



Эмитент облигациялар бланкида мавжуд маълумотларнинг облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарордаги маълумотлар билан мос келмаслиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

46. Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва рисола эмитент томонидан рўйхатдан ўтказувчи органга қоғоз ва электрон кўринишларда тақдим этилади. Электрон кўринишда тақдим этилаётган қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва рисоланинг мазмуни қоғоз кўринишда тақдим этилаётган қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва рисоланинг мазмунига мувофиқ бўлиши керак.

47. Қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга агар мазкур Қоидаларда белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаларни тақдим этиш белгиланмаган бўлса, ҳужжатларнинг фақат асл нусхалари тақдим этилади. Агар мазкур Қоидаларда нусханинг ким томонидан тасдиқланиши кўрсатилмаган бўлса, эмитентнинг раҳбари ва бош ҳисобчисининг имзолари билан тасдиқланган, эмитентнинг асосий муҳри босилган ҳужжат нусхаси тақдим этилади.

48. Эмитент акциядорлик жамияти шаклидаги юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб, банклар эса — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида акцияларни бирламчи чиқариш тўғрисидаги қарор келишилган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмасдан рўйхатдан ўтказувчи органга мазкур Қоидаларда белгиланган тартибда акцияларнинг бирламчи чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

49. Эмитент қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб, бироқ қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарорни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан, банклар эса — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида қимматли қоғозларни чиқариш қарори келишилган кундан бошлаб рўйхатдан ўтказувчи органга мазкур Қоидаларда белгиланган тартибда қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказишга ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

50. Қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилигига эмитент жавобгар бўлади.

51. Эмитентнинг қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этилган ҳужжатлари эмитентга унинг ёзма сўровига кўра қайтарилиши мумкин, давлат рўйхатидан ўтказиш ёки давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ҳоллари бундан мустасно.

52. Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати улар рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан олинган санадан бошлаб ўттиз кундан ошмаслиги керак. Ушбу муддат давомида рўйхатдан ўтказувчи орган қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади ёки қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисида асослантирилган қарор қабул қилади.

53. Қимматли қоғозлар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганда қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорнинг ҳар бир нусхасида қимматли қоғозлар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида белги қўйилади ва қимматли қоғозлар чиқарилишига берилган рўйхат рақами кўрсатилади.

54. Қимматли қоғозлар чиқарилишига рўйхат рақамини бериш, шунингдек ЯДРга ёзув киритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

55. Қимматли қоғозлар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорнинг бир нусхаси рўйхатдан ўтказувчи органда қолади, бир нусхаси эмитентга берилади ва бир нусхаси қимматли қоғозлар чиқарилишини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига топширилади. Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорнинг нусхалари матнида фарқлар мавжуд бўлганда ҳужжатнинг рўйхатдан ўтказувчи органда сақланаётган матни имтиёзли кучга эга бўлади.

56. Рўйхатдан ўтказувчи орган фақат қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларда мавжуд маълумотларнинг тўлиқлиги учун жавобгар бўлади.

57. Қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш:

а) агар қимматли қоғозлар эмиссияси тижорат банклари, суғуртачилар, биржалар, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат қарорларига биноан ташкил этилган акциядорлик компания ва холдинглар томонидан амалга оширилса, рўйхатдан ўтказувчи органнинг марказий аппаратида;

б) бошқа ҳолларда, рўйхатдан ўтказувчи органнинг эмитент юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган жойдаги ҳудудий бошқармаларида амалга оширилади.

58. Эмитентнинг мазкур Қоидаларнинг 57-бандида назарда тутилган мақоми ўзгарган тақдирда, қимматли қоғозлар чиқарилишини кейинги давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар мазкур Қоидаларнинг 57-бандида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Қимматли қоғозлар чиқаришни давлат рўйхатидан ўтказиш қимматли қоғозларнинг бирламчи чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган органда амалга оширилади, ушбу банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### **Х. Давлат корхонаси акциядорлик жамияти сифатида қайта тузилаётганда акциялар бирламчи чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш**

59. Давлат корхонасини акциядорлик жамияти сифатида қайта тузиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

60. Давлат корхонасидан қайта тузилган акциядорлик жамияти давлат

рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан рўйхатдан ўтказувчи органга акцияларнинг бирламчи чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

а) мазкур Қоидаларнинг 3-иловасига мувофиқ тузилган акциялар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза;

б) уставнинг нотариал тасдиқланган нусхаси (унга киритилган қўшимча ва ўзгартишлар билан, агар улар мавжуд бўлса,) — икки нусхада;

в) юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

г) мазкур Қоидаларнинг 40-бандида кўрсатилган иловаларга мувофиқ шаклдаги рисола, уч нусхада;

д) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаларининг давлат корхонасини қайта тузиш тўғрисидаги буйруғи;

е) эмитентнинг мазкур Қоидаларнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича тўлдирилган рўйхатдан ўтказиш картаси, икки нусхада;

ж) акциялар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиш учун белгиланган йиғимнинг тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати, банкнинг тўлов амалга оширилганлиги тўғрисидаги белгиси билан;

з) мазкур Қоидаларнинг 4-иловасига мувофиқ тузилган, қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказишга тақдим этилган ҳужжатларнинг рўйхати (икки нусхада).

61. Давлат корхонасини қайта тузиш натижасида ташкил этилган акциядорлик жамиятини таъсис этишда рисола (акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси томонидан тасдиқланади.

62. Давлат корхонасини қайта тузиш натижасида ташкил этилган акциядорлик жамиятини таъсис этишда акциялар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан зарур ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмасдан амалга оширилади.

63. Рўйхатдан ўтказувчи органга мазкур Қоидаларда назарда тутилган ҳужжатларнинг тўлиқ пакети тақдим этилмаганда, шунингдек, бошқа қонунбузарликлар аниқланган тақдирда рўйхатдан ўтказувчи орган акциялар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этади.

64. Давлат корхоналарини акциядорлик жамиятларига қайта тузиш жараёнида эмиссия қилинган акциялар улар белгиланган тартибда янги эгаларига сотилгунига қадар бирламчи жойлаштирилган давлат активлари бўлиб ҳисобланади.

## **XI. Банклар томонидан қимматли қоғозларни чиқариш шартлари ва ҳажмларини келишиш тартиби**

65. Банк қимматли қоғозлар чиқарилишини келишиш учун устав (уставга ўзгартиш ва қўшимчалар) рўйхатга ўтказилган кундан бошлаб бир ой

мобайнида қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорнинг тўрт нусхасини ва мазкур Қоидалар талабларига мувофиқ расмийлаштирилган рисо- ланинг тўрт нусхасини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тақдим этади.

66. Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва рисолани келишиш, ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига келиб туш- ган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмасдан амалга оширилиши лозим.

67. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қимматли қоғозлар чи- қаришнинг шартлари ва ҳажмларига рози бўлганда банкка алоҳида тикил- ган, муҳр босилган, келишиш санаси кўрсатилган ҳолда Ўзбекистон Респуб- ликаси Марказий банки ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарор уч нусхада ва рисола уч нусхада берилади.

## **ХII. Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини ва (ёки) илгари рўйхатдан ўтказилган эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишига доир ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун йиғим**

68. Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини ва (ёки) илгари рўйхатдан ўтказилган эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишига доир ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун йиғим Ўзбекистон Рес- публикаси «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекис- тон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 29-30-сон, 278-мод- да) 8-моддасида белгиланган миқдорда ва тартибда ундирилади.

69. Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини ва (ёки) илгари дав- лат рўйхатидан ўтказилган эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишига доир ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиш учун эмитент рўйхатдан ўтказувчи органга энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробари миқдорида йиғим тўлайди.

70. Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан қимматли қоғозлар чиқари- лишини ва (ёки) илгари рўйхатдан ўтказилган эмиссиявий қимматли қоғоз- лар чиқарилишига доир ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш ёки давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган- да давлат рўйхатидан ўтказишга тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш учун йиғим қайтарилмайди.

## **ХIII. Қимматли қоғозларни жойлаштириш**

71. Эмитент томонидан қимматли қоғозларни жойлаштириш қимматли қоғозлар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин қимматли қоғозлар чиқарилишининг шартларига мувофиқ амалга оширилади.

72. Қимматли қоғозлар очик обуна йўли билан жойлаштирилганда эми- тент қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабарни рисолада мавжуд маълумотлардан манфаатдор истал-

ган шахснинг ушбу маълумотлардан фойдаланиш тартибини кўрсатган ҳолда нашр қилиши шарт. Бунда, қимматли қоғозлар қўшимча чиқарилишини қимматли қоғозлар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар нашр этилганидан кейин камида икки ҳафта олдин жойлаштириш тақиқланади.

73. Эмитентнинг қимматли қоғозлари очик обуна йўли билан жойлаштирилган тақдирда бир инвесторнинг (инвесторларнинг) бошқаси (бошқалари) олдидаги устунлигини белгилаш тақиқланади, қўйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) эмитент акциядорларига қўшимча чиқарилган акцияларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда имтиёзли олиш ҳуқуқи тақдим этилганида;

б) эмитент томонидан норезидентларга нисбатан қимматли қоғозларни олишга чекловлар қўйилганида;

в) эмитент томонидан облигацияларни шахслар (жисмоний ёки юридик шахслар) доирасини белгилаш орқали олишга чекловлар қўйилганида.

74. Акцияларни жойлаштириш қўйидаги усулларда амалга оширилиши мумкин:

а) эмитент ва олувчи ўртасида олди-сотди шартномаси тузилганда обуна қилиш. Бунда, акциядорлар ўзининг ҳисобланган, лекин олинмаган дивидендларини эмитентнинг қўшимча чиқарилган акцияларини олишда фойдаланишига ҳақлидир.

б) эмитентнинг устав капитали ўз капиталини капиталлаштириш ҳисобидан тўланадиган қўшимча акциялар чиқарилиши орқали оширилганда акцияларни акциядорлар ўртасида тақсимлаш. Бунда, акцияларни эмитентнинг акциядорлари ўртасида жойлаштириш эмитент олий бошқарув органининг ўз капиталини капиталлаштирилиши тўғрисидаги қарори асосида ҳеч қандай шартномалар тузилмаган ҳолда амалга оширилади. Акцияларни акциядорлар ўртасида тақсимлаш қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорда кўрсатилган кундаги реестр маълумотлари бўйича амалга оширилади.

в) уларга айирбошлашда:

устав, қонун ҳужжатлари, шу жумладан мазкур Қоидаларга мувофиқ аввал чиқарилган айирбошланаётган қимматли қоғозларни;

паст номинал қийматига эга аввал чиқарилган қимматли қоғозларни (акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан акцияларни йириклаштириш ёки устав капитал кўпайтирилганда);

юқори номинал қийматига эга аввал чиқарилган қимматли қоғозларни (акциялар номинал қийматини камайтириш йўли билан акциялар майдаланганда ёки устав капитали камайтирилганда);

қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш орқали қайта ташкил этилаётган юридик шахсларнинг қимматли қоғозларини, шунингдек, юридик шахснинг акциядорлик жамияти сифатида қайта тузилишида қиритилган улушларини.

Эмитентнинг бошқарув органи томонидан жойлаштирилиши айирбош-

лашни назарда тутадиган акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинганда эмитент таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ёки таъсис ҳужжатларни янги таҳририни давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб уч календарь кунидан кечиктирмасдан Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига айрбошланиши лозим бўлган қимматли қоғозларнинг ҳаракатини блокировка қилиш тўғрисида билдиришнома юбориши шарт.

Акцияларни айирбошлаш қимматли қоғозлар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 15 календарь кунидан кечиктирмасдан амалга оширилади.

Қимматли қоғозларни айирбошлаш орқали жойлаштирилганда бирор бир шартнома тузилиши талаб этилмайди.

75. Банклар акцияларини бирламчи оммавий жойлаштириш муомалага янги чиқарилган ҳажмининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда фонд биржасида амалга оширилади (хусусий банклар бундан мустасно). Бунда, банк акциялари оммавий жойлаштирилиши бошланган кундан бошлаб фонд биржасига сотиш учун қўйилиши керак.

76. Облигацияларни жойлаштириш обуна йўли билан (эмитент ва олувчи ўртасида келишилган облигациялар сонига олди-сотди шартномасини тузиш) амалга оширилиши мумкин.

77. Қимматли қоғозларни жойлаштирилиши:

а) акциялар бирламчи чиқарилган тақдирда — қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддатда, лекин эмитент юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир йилдан кечиктирмасдан;

б) бошқа ҳолатларда — қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддатда, лекин ушбу қимматли қоғозлар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир йилдан кечиктирмасдан тугалланиши керак.

Эмитент қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча жараёнларга риоя этган ҳолда қимматли қоғозларни жойлаштиришга ҳақли бўлган сана жойлаштириш бошланган сана деб тушунилади.

78. Жойлаштирилаётган қимматли қоғозлар сони қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган сонидан (доналарда) ошмаслиги керак.

79. Жойлаштириш жараёнида чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган сонига (доналарда) нисбатан камроқ сондаги қимматли қоғозлар жойлаштирилиши мумкин.

Бунда, обуна йўли билан жойлаштирилаётган қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорда эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши амалга ошмаган деб топиладиган қимматли қоғозлар сони белгиланиши лозим. Бундай миқдор ушбу чиқаришдаги қимматли қоғозлар умумий сонининг 60 фоизидан кам бўлган миқдорда белгиланиши мумкин эмас.

80. Эмитент рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган қимматли қоғозларни жойлаштириш муддати

ўтган кундан кейин ўттиз кундан кечиктирмасдан, агар барча қимматли қоғозлар ушбу муддат ўтишидан олдин жойлаштирилган бўлса — ушбу чиқаришдаги сўнгги қимматли қоғозни жойлаштириш кунидан кейин ўттиз кундан кечиктирмасдан рўйхатдан ўтказувчи органга қимматли қоғозларни чиқариш натижалари тўғрисидаги билдиришномани тақдим этади.

81. Қимматли қоғозларни чиқариш натижалари тўғрисидаги билдиришнома мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ шаклда тақдим этилади.

Қимматли қоғозларни чиқариш натижалари тўғрисидаги билдиришнома кузатув кенгаши раиси, шунингдек, эмитентнинг раҳбари, унинг бош бухгалтери ёки уларнинг вазифаларини бажарувчи шахслар томонидан имзоланган санаси кўрсатилган ҳолда имзоланади. Эмитентнинг қимматли қоғозларни чиқариш натижалари тўғрисидаги билдиришномани имзолаган масъул шахсларнинг имзолари муҳр билан тасдиқланиши лозим.

82. Жойлаштирилмаган қимматли қоғозлар сўндирилиши лозим.

83. Эмитент рўйхатдан ўтказилган облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган облигациялар муомаласининг муддати ўтган кундан кейин ўттиз кундан кечиктирмасдан, агар барча облигациялар ушбу муддат ўтганича кейинчалик уларни сўндириш мақсадида қайтариб сотиб олинган бўлса — ушбу чиқаришдаги охириги облигация қайтариб сотиб олинган кундан кейин ўттиз кундан кечиктирмасдан рўйхатдан ўтказувчи органга облигацияларнинг муомала муддати тугаганлиги тўғрисидаги билдиришномани тақдим этади.

84. Облигацияларнинг муомала муддати тугаганлиги тўғрисидаги билдиришнома мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ шаклда тақдим этилади.

#### **XIV. Аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқаришларига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш**

85. Қимматли қоғозларни жойлаштириш муддати давомида қимматли қоғозларни чиқариш натижалари бўйича билдиришнома тақдим этилишига қадар қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорга ва рисолага ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш фақат қуйидаги ҳолатларда эмитентнинг ёзма аризаси асосида амалга оширилади:

а) эмитентнинг фирма номи ўзгарганда, шу жумладан кирилл ҳарфларидан лотин ҳарфларига;

б) облигацияларни чиқариш шакли;

в) акциядорлик жамияти шакли ўзгарганда;

г) акцияларни жойлаштириш муддатининг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар доирасида узайтирилганда;

д) агар бундай ўзгаришлар ва (ёки) қўшимчаларни киритиш Ҳукумат қарорлари сабабли амалга оширилса.

Қимматли қоғозларни чиқариш натижалари бўйича билдиришнома топширилгандан кейин қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорга

ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш фақат куйидаги ҳолатларда эмитентнинг ёзма аризаси асосида амалга оширилади:

а) эмитентнинг фирма номи ўзгарганда, шу жумладан кирилл ҳарфларидан лотин ҳарфларига;

б) қимматли қоғозлар чиқариш шакли ўзгарганда;

в) тўлиқ жойлаштирилмаганда;

г) акциядорлик жамияти шакли ўзгарганда.

86. Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва (ёки) рисолага ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар эмитент бошқарув органининг қарорига кўра киритилади.

87. Рўйхатдан ўтказувчи орган қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисолага ушбу ҳужжатларда нотўғри маълумотлар ёки техник тавсифга эга хатолар топилганда, шунингдек, эмитент томонидан қимматли қоғозлар эмиссияси жараёнида қонун ҳужжатлари ва мазкур Қоидалар талаблари бузилган тақдирда ўзгартиришлар киритишни талаб қилиши мумкин.

88. Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва қимматли қоғозлар рисоласига қўшимчалар ва (ёки) ўзгартиришлар қимматли қоғозларни жойлаштириш муддатини, шунингдек, ушбу қарор билан белгиланган ва рисолада кўрсатилган бир дона қимматли қоғоз бўйича ҳуқуқлар ҳажми қисмини қисқартириш мақсадларида киритишга йўл қўйилмайди.

89. Чиқаришларга киритилган барча ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан мазкур бўлим талабларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва (ёки) рисолага ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар рўйхатдан ўтказувчи органга ўзгартиришлар киритиладиган ҳужжатлар рўйхатдан ўтказилган жойда эмитентнинг ваколатли органи томонидан бундай ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида, агар қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва (ёки) рисолага ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш эмитент таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритишга асосланган бўлса — эмитентнинг таъсис ҳужжатларига киритилган тегишли ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида тақдим этилиши лозим.

90. Эмитентнинг бошқарув органи томонидан қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва (ёки) уларнинг рисоласига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб эмитент қимматли қоғозлар жойлаштирилиши ва муомаласини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

Қимматли қоғозларни жойлаштирилиши ва муомаласини тўхтатиб туриш тўғрисидаги билдиришнома эмитент томонидан қимматли қоғозларни жойлаштирилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор қабул қилинган



кундан кейинги кундан кечиктирмасдан Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига тақдим этилиши лозим.

91. Аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишига киритилган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун эмитент рўйхатдан ўтказувчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

а) аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқаришларига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганлигини тасдиқловчи акциядорлар умумий йиғилиши баённома нусхаси ёки баённомасидан кўчирма, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ санок комиссияси томонидан тузилган кворум ва овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённома нусхаси ёки баённомадан кўчирма, аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқаришларига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор кузатув кенгаши томонидан қабул қилган тақдирда эса — йиғилиш баённома нусхаси ёки баённомасидан кўчирма, овоз беришда иштирок этган кузатув кенгаши аъзоларининг фамилияси, исми, шарифи кўрсатилган ҳолда (икки нусхада);

б) мазкур Қоидаларнинг 8-иловасига мувофиқ шаклда тузилган аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқаришларига киритилган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказишга ариза;

в) мазкур Қоидаларнинг 9-иловасига мувофиқ шаклда аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқаришларига киритилган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчаларнинг матни, шунингдек, мазкур Қоидаларнинг 85-банди биринчи хатбошисига назарда тутилган ҳолатларда рисолага киритилаётган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар матни, мазкур Қоидаларнинг 10-иловасига мувофиқ шаклда уч нусхада;

г) ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган тақдирда, уставга киритилаётган қўшимчалар ва ўзгартиришларнинг нотариал тасдиқланган нусхаси (икки нусхада);

д) ўзгартиришлар ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиш учун белгиланган йиғим тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати, банкнинг тўлов ўтказилганлиги тўғрисида белгиси билан;

е) Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига юборилган қимматли қоғозларнинг ҳаракатини блокировка қилиш тўғрисида билдиришноманинг нусхаси;

ж) облигацияларни чиқариш шакли ўзгарган тақдирда бланк намунаси;

з) мазкур Қоидаларнинг 4-иловасига мувофиқ шакл бўйича давлат рўйхатига олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар рўйхати.

92. Рўйхатдан ўтказувчи орган мазкур Қоидаларга мувофиқ, ҳужжатлар олинган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва (ёки) рисолага киритилаётган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга ошириши ёки уларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисида асослангандир қарор қабул қилиши шарт.

Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва (ёки) рисолага

киритилган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинса, рўйхатдан ўтказувчи орган эмитентга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида белги қўйилган қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва (ёки) рисолага киритилган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчаларнинг нусхасини беради.

Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва (ёки) рисолага киритилаётган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда рўйхатдан ўтказувчи орган эмитентга рад жавобининг асоси келтирилган хат (билдиришнома) бериши (жўнатиши) шарт.

Мазкур Қоидаларнинг XVI бўлимида келтирилган асослар ва 88-бандда назарда тутилган қонун бузилишлари қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва (ёки) рисолага киритилаётган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

93. Қимматли қоғозларни жойлаштириш ва муомаласи қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва (ёки) рисолага киритилган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказилганидан ёки эмитент ваколатли органининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори бекор қилинганидан кейин тикланади.

**XV. Қимматли қоғозлар чиқарилишини тўхтатиб туриш,  
қимматли қоғозлар чиқарилишини амалга ошмаган ёки  
ҳақиқий эмас деб топиш, шунингдек, облигацияларни  
сўндириш**

94. Қимматли қоғозлар чиқарилиши:

а) рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан тўхтатиб қўйиш;

б) чиқаришни (қўшимча чиқаришни) тўхтатиб қўйишга сабаб бўлган қонун бузишларини эмитент томонидан бартараф этилмаган ёки чиқариш (қўшимча чиқариш) тўғрисидаги қарорда белгиланган муддатда ушбу чиқаришдаги қимматли қоғозларнинг 60 фоизидан кам қисмини жойлаштирилган тақдирда рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши;

в) мазкур Қоидаларда назарда тутилган ҳолатларда ЯДРдан чиқарилиши;

г) суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

95. Рўйхатдан ўтказувчи орган қуйидаги ҳолатларда эмитентлар қимматли қоғозлари эмиссияси ва муомаласини тўхтатиб қўйишга ҳақлидир:

а) қимматли қоғозлар чиқариш шартлари уларни чиқариш тўғрисидаги қарорга номувофиклиги аниқланганда;

б) амалда рўйхатга олинганидан ортиқ ҳажмдаги қимматли қоғозлар жойлаштирилганда;

в) эмитент томонидан белгиланган муддатларда рўйхатдан ўтказувчи органнинг қонуний талаблари бажарилмаганда;

г) рўйхатдан ўтказувчи органнинг ҳисоботларни тақдим этиш ва ахборотни ошкор этиш тўғрисидаги кўрсатмалари бажарилмаганда;

д) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк фаолиятини амалга оширишга берилган лицензия чақириб олинганда (тижорат банклари учун);

е) қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва рисола билан танишиб чиқиш жойи ва тартиби бўйича маълумотлар нашр қилинмаганда;

ж) чиқариш шартларини ўзгартирадиган нотўғри ёки чалғитувчи маълумотлар аниқланганда;

з) тегишли суд қарори мавжуд бўлганда;

и) эмитент томонидан қимматли қоғозлар эмиссияси жараёнида қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва мазкур Қоидалар талаблари бузилганда.

96. Қимматли қоғозлар эмиссияси ва муомаласи тўхтатиб қўйилганда ушбу қимматли қоғозларни кейинчалик жойлаштирилиши ва муомаласи тақиқланади.

Қимматли қоғозлар эмиссиясининг тўхтатиб қўйилиши эмитент томонидан кейинги қимматли қоғозлар жойлаштирилишининг вақтинчалик таъқиқини ва ушбу чиқаришдаги қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича реклама компаниясини вақтинчалик тўхтатиб турилишини англатади.

Қимматли қоғозлар муомаласини тўхтатиб қўйиш ушбу қимматли қоғозлар билан битимлар тузиш бўйича вақтинчалик тақиқни англатади.

Қимматли қоғозлар рекламаси тарқатувчилари ва савдосини ташкилотчиларини жойлаштириш ва муомаласини тўхтатиб қўйиш бўйича маълум қилиш вазифаси эмитентга юкланади.

97. Қимматли қоғозлар эмиссияси ва муомаласини тўхтатиб қўйишга асослар аниқланганда рўйхатдан ўтказувчи орган қимматли қоғозлар эмиссияси ва (ёки) муомаласини тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда, рўйхатдан ўтказувчи орган шу каби қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан эмитентга қарорни ва қонун бузишларини бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмани, шунингдек, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига қимматли қоғозлар ҳаракатини блокировка қилиш тўғрисида кўрсатмани жўнатади.

Эмитент тегишли қонун бузишларини бартараф этиш тўғрисида кўрсатма олган вақтдан бошлаб қимматли қоғозларнинг жойлаштирилишини тўхтатиб қўйиши ва рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан белгиланган муддатларда аниқланган қонун бузишларини бартараф этиши шарт.

Рўйхатдан ўтказувчи органнинг тегишли кўрсатмасини олган кундан бошлаб Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ўрнатилган тартибда қимматли қоғозлар ҳаракатини блокировка қилиш шарт.

Қимматли қоғозларни жойлаштириш муддати тўхтатиб қўйиш даврига узайтирилмайди.

98. Қимматли қоғозларни жойлаштириш ва муомаласининг тикланиши тўхтатиб қўйишига сабаб бўлган қонун бузишлари эмитент томонидан бартараф этилганидан кейин рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарорига кўра амалга оширилади.

99. Қимматли қоғозлар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилганлиги тўғрисидаги қарор рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан қабул қилинади. Бунда, рўйхатдан ўтказувчи орган шу каби қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан эмитентга ушбу қарорни жўнатади. Эмитент қимматли қоғозлар чиқарилишини амалга ошмаган деб топиш тўғрисидаги рўйхатдан ўтказувчи орган қарорини олган вақтдан бошлаб беш кун мобайнида оммавий ахборот воситаларида бу тўғрисидаги ахборотни нашр этиши шарт.

Қимматли қоғозлар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда ушбу чиқарилишдаги қимматли қоғозлари эмитентга қайтарилиши лозим, эмитент томонидан уларни жойлаштиришдан олинган маблағлар эса, уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган тартибда инвесторларга қайтарилди. Бунда, қимматли қоғозлар чиқарилиши қимматли қоғозлар чиқарилишига берилган давлат рўйхат рақамини бекор қилиш орқали ЯДРдан чиқарилади.

100. Қимматли қоғозлар чиқарилишини ЯДРдан чиқариш қимматли қоғозлар чиқарилишига аввал берилган давлат рўйхат рақамини бекор қилиш орқали қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

- а) чиқариш амалга ошмаган деб топилганда;
- б) эмитент қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда;
- в) тегишли суд қарори мавжуд бўлганда;
- г) мазкур Қоидаларда назарда тутилган ҳолатларда қимматли қоғозларнинг янги чиқарилишида;
- д) облигациялар чиқарилиши сўндирилганда.

101. Эмитент қимматли қоғозлар чиқарилишини (чиқаришларини) ЯДРдан чиқаришга асослар пайдо бўлган кундан бошлаб ўн кун мобайнида тегишли сабабларни, қимматли қоғозлар чиқарилишига (чиқаришларига) берилган, ЯДРдан чиқарилиши лозим бўлган давлат рўйхат рақамини кўрсатган ва керакли ҳужжатларни илова қилган ҳолда бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органга ёзма аризани тақдим этиши шарт.

Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилишининг (чиқаришларининг) давлат рўйхат рақамини бекор қилинишига, шунингдек қимматли қоғозлар чиқарилишини (чиқаришларини) ЯДРдан чиқарилишига сабаб бўладиган қимматли қоғозларнинг янги, қўшимча ёки бирламчи чиқаришлари амалга оширилган тақдирда эмитентлар қимматли қоғозларнинг янги, қўшимча ёки бирламчи чиқаришларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар билан бир қаторда тегишли сабабларни, ЯДРдан чиқарилиши лозим бўлган қимматли қоғозлар чиқарилишининг (чиқаришларининг) давлат рўйхат рақамини кўрсатган ҳолда ва керакли ҳужжатларни илова қилган ҳолда бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органга ёзма аризани тақдим этиши шарт.

102. Қимматли қоғозлар чиқарилишини ЯДРдан чиқариш учун эмитент рўйхатдан ўтказувчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

- а) акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда:

қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва рисола, шунингдек, уларга киритилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчаларнинг (ўзгарти-

ришлар ва қўшимчалар киритилган тақдирда) асли. Кўрсатилган ҳужжатларнинг асли йўқотилган тақдирда йўқотиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларидаги эълон нусхаси тақдим этилади;

оммавий ахборот воситаларидаги қимматли қоғозлар чиқарилишини амалга ошмаган деб топиш ва ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилган қимматли қоғозларга тўланган маблағлар қайтарилиши тўғрисидаги эълон нусхаси;

эмитентнинг эмиссия ҳисобварағида ушбу чиқарилишнинг барча қимматли қоғозлари мавжудлигини тасдиқловчи хизмат кўрсатувчи депозитарий томонидан берилган эмитентнинг депо ҳисобварағидан кўчирма;

маблағларни инвесторларга қайтарилганлиги тўғрисидаги эмитентнинг ёзма тасдиғи, маблағлар тўлов агенти вазифасини бажарувчи тижорат банклари орқали қайтарилган тақдирда эса шунингдек, эмитент томонидан чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган қимматли қоғозлар бўйича инвесторлар билан ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганлиги тўғрисидаги тўлов агентининг ёзма тасдиғи;

б) тегишли суд қарори мавжуд бўлган тақдирда:

қимматли қоғозлар чиқарилишини (чиқаришларини) ҳақиқий эмас деб топилганлиги тўғрисидаги қонуний кучга кирган суд қарори, шунингдек, ушбу қарор бўйича берилган ижро варақаси;

қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор (қарорлар) ва рисола (рисолалар), шунингдек, уларга киритилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчаларнинг (ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган тақдирда) асли (асллари). Кўрсатилган ҳужжатларнинг асллари йўқотилган тақдирда йўқотиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларидаги эълон нусхаси тақдим этилади;

қимматли қоғозлар чиқарилишини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларидаги эълон нусхаси;

эмитентнинг эмиссия ҳисобварағида ушбу чиқарилишнинг барча қимматли қоғозлари мавжудлигини тасдиқловчи хизмат кўрсатувчи депозитарий томонидан берилган эмитентнинг депо ҳисобварағидан кўчирма;

в) тугатилган тақдирда:

тугатиш тўғрисидаги эмитент бошқарув органи ёки суд қарорининг нусхаси;

қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор (қарорлар) ва рисола (рисолалар), шунингдек, уларга киритилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчаларнинг (ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган тақдирда) асли (асллари). Кўрсатилган ҳужжатларнинг асллари йўқотилган тақдирда йўқотиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларидаги эълон нусхаси тақдим этилади;

эмитентнинг тугатилиши тўғрисида оммавий ахборот воситаларидаги эълон нусхаси;

тугатиш балансининг нусхаси;

г) облигациялар чиқарилиши сўндирилган тақдирда:

қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор (қарорлар) ва рисо-

ла (рисолалар), шунингдек, уларга киритилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчаларнинг (ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган тақдирда) асли (асллари). Кўрсатилган ҳужжатларнинг асллари йўқотилган тақдирда йўқотиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларидаги эълон нусхаси тақдим этилади;

эмитентнинг эмиссия ҳисобварағида ушбу чиқарилишнинг барча қимматли қоғозлари мавжудлигини тасдиқловчи хизмат кўрсатувчи депозитарий томонидан берилган эмитентнинг депо ҳисобварағидан кўчирма;

эмитент томонидан облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган облигациялар бўйича барча ўз мажбуриятларини бажарганлиги тўғрисида эмитентнинг ёзма тасдиғи, облигациялар бўйича эмитентнинг мажбуриятлари тўлов агенти вазифасини бажарувчи тижорат банклари орқали бажарилган тақдирда эса шунингдек, чиқарилиши (чиқаришлари) сўндирилган (сўндирилаётган) облигациялар бўйича эмитент томонидан барча мажбуриятларнинг бажарганлиги тўғрисида тўлов агентининг ёзма тасдиғи;

д) қайта ташкил этилган тақдирда:

эмитент бошқарув органининг қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорининг нусхаси;

қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор (қарорлар) ва рисола (рисолалар), шунингдек, уларга киритилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчаларнинг (ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган тақдирда) асли (асллари). Кўрсатилган ҳужжатларнинг асллари йўқотилган тақдирда йўқотиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларидаги эълон нусхаси тақдим этилади;

эмитентни қайта ташкил этилиши тўғрисида оммавий ахборот воситаларидаги эълон нусхаси;

унга мувофиқ акцияларни бошқа эмитентлар акцияларига ёки юридик шахсларнинг улушларига (пайларига) айирбошланиши амалга ошириладиган эмитент акциядорлари реестрининг нусхаси;

таъсис ҳужжатларининг нусхаси (улушларда);

е) янги чиқарилиш амалга оширилган тақдирда:

қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор (қарорлар) ва рисола (рисолалар), шунингдек уларга киритилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчаларнинг (ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган тақдирда) асли (асллари). Кўрсатиб ўтилган ҳужжатларнинг асллари йўқотилган тақдирда йўқотиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларидаги эълон нусхаси тақдим этилади.

103. Қимматли қоғозлар чиқарилиши (чиқаришлари) давлат рўйхат рақамини бекор қилиш, шунингдек, ЯДРга ёзувлар киритиш мазкур Қоидаларнинг 102-бандида назарда тутилган ҳужжатларни рўйхатдан ўтказувчи орган олган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан амалга оширилади.

104. Мазкур Қоидаларнинг 100-бандида назарда тутилган ҳолатларда қимматли қоғозлар чиқарилиши (чиқаришлари) давлат рўйхат рақамини бекор қилиш, шунингдек, ЯДРга ёзувлар киритиш, эмитент томонидан маз-

кур Қоидаларнинг 102-бандида назарда тутилган ҳужжатлар тақдим этилганда, қимматли қоғозларнинг янги, қўшимча ёки бирламчи чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш билан биргаликда рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан амалга оширилади. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг тегишли қарори эмитентга ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юборилади.

**XVI. Қимматли қоғозлар чиқарилишини, шунингдек,  
аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар  
чиқарилишга киритилган ўзгартиришлар ва (ёки)  
қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш**

105. Рўйхатдан ўтказувчи орган қуйидаги ҳолатларда қимматли қоғозлар чиқарилишини, шунингдек, аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишига киритилган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади:

а) қимматли қоғозлар чиқарилишини (аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишига ўзгартиришларни) давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатлар ва уларда мавжуд маълумотларнинг қонун ҳужжатлари ва мазкур Қоидалар талабларига номувофиқлиги;

б) мазкур Қоидаларда назарда тутилган ҳужжатларни тўлиқ тақдим этилмаганлиги;

в) эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги) тўғрисидаги қарорни қабул қилиш тартибига риоя этилмаганлиги;

г) мазкур Қоидаларнинг XII бўлимида назарда тутилган йиғимларнинг тўланмаганлиги;

д) қимматли қоғозлар чиқарилишини амалга оширувчи юридик шахсининг уларни чиқаришга бўлган ҳуқуқининг мавжуд эмаслиги.

106. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг қимматли қоғозлар чиқарилишини, шунингдек, аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги хабари рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан эмитентга рад этиш сабабини ўз ичига олган ёзма билдиришномани жўнатиш орқали етказилади.

107. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг қимматли қоғозлар чиқарилишини, шунингдек, аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

108. Рад этиш сабабини ўз ичига олган ёзма билдиришномани олган кундан бошлаб уч ой мобайнида эмитент рўйхатдан ўтказувчи органга фақат ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритилган ҳужжатларни тақдим этиш ҳуқуқига эга. Кўрсатилган ҳужжатлар мазкур Қоидаларда белгилан-

ган нусхалар сонида илова хат ва тақдим этилаётган ҳужжатлар рўйхати билан биргаликда тақдим этилади.

Бу ҳолатда қўшимча ва (ёки) қайта ишланган ҳужжатларни тақдим этиш санаси қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатлар тақдим этилган сана деб ҳисобланади.

### **XVII. Яқунловчи қоидалар**

109. Мазкур Қоидаларнинг талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

110. Аввал рўйхатдан ўтказилган рисоалар, чиқарилишлар анкеталари ва чиқарилишлар тўғрисидаги маълумотлар қимматли қоғозлар чиқарилишлари тўғрисидаги қарорлар деб ҳисобланади.

112. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган.

*Давлат мулкани бошқариш  
давлат қўмитаси раиси*

*Д. МУСАЕВ*

*2009 йил 6 июль*

*Марказий банк раиси*

*Ф. МУЛЛАЖОНОВ*

*2009 йил 6 июль*





Эмитентнинг раҳбари:

\_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш., имзо)

Бош бухгалтер:

\_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш., имзо)

Мухр

Сана

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): \_\_\_\_\_

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: \_\_\_\_\_

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): \_\_\_\_\_

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): \_\_\_\_\_

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): \_\_\_\_\_

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари: \_\_\_\_\_

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уста-  
видаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

\_\_\_\_\_ 8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): \_\_\_\_\_

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимлан-  
ган ҳолда кўрсатилади): \_\_\_\_\_

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари  
ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): \_\_\_\_\_

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва  
тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик  
ёки ёпиқ обуна): \_\_\_\_\_

(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек, акцияларни потенциал олувчи-  
лар доираси ҳам кўрсатилади).

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

\_\_\_\_\_ (Кўрсатилади: акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси ва тугатиш  
санаси ёки акцияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби.

Агар акцияларни жойлаштириш муддати акцияларни чиқарилиши  
тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда  
белгиланса, шунингдек, бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрса-  
тилади.)

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тарти-  
би: \_\_\_\_\_

(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-  
ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга  
ошириладиган бозорлар.

Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштириш эмитентга акция-  
ларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозо-  
ри профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга

оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:

*тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;*

*профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;*

*ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қогозларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охиригиси томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек, ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби).*

11.4. Акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва сақлаш, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, эмитент эгасининг номи ёзилган акциялари эгалари реестрини шакллантиришни амалга оширган марказий рўйхатдан ўтказувчининг ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширган депозитарийнинг телефони, шунингдек, тегишли фаолиятни амалга оширишга доир лицензия тўғрисидаги маълумотлар (рақами, берилган санаси, лицензияни берган орган, амал қилиш муддати): \_\_\_\_\_

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: \_\_\_\_\_

*(Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:*

*бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (сана-ни белгилаш тартиби);*

*жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;*

*жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби).*

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: \_\_\_\_\_

*(акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.*

*Агар акцияларни жойлаштиришда акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади).*

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: \_\_\_\_\_

*(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда).*

Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш — топириш далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек, бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи; баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган.).

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топиш улуши (бундай улуш ушбу чиқарилишдаги акциялар умумий сонининг 60 фоизидан кам миқдорда белгиланиши мумкин эмас): \_\_\_\_\_

11.9. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: \_\_\_\_\_

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби: \_\_\_\_\_

13. Бошқа маълумотлар.



Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили ва мулоқот телефонлари: \_\_\_\_\_

Эмитентнинг раҳбари: \_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш., имзо)

Бош бухгалтер: \_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш., имзо)

Мухр

Сана

1. Ушбу чиқарилишдаги корпоратив облигацияларнинг кўриниши ва тури (оддий, ютуқли, фоизли, фоизсиз (мақсадли) ва ҳоказо): \_\_\_\_\_

2. Ушбу корпоратив облигациялар чиқарилишининг шакли: \_\_\_\_\_

3. Ушбу чиқарилишдаги корпоратив облигацияларнинг номинал қиймати (сўм): \_\_\_\_\_

4. Ушбу чиқарилишдаги корпоратив облигацияларнинг сони (дона): \_\_\_\_\_

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): \_\_\_\_\_

6. Ушбу чиқарилишдаги корпоратив облигациялар эгаларининг ҳуқуқлари: \_\_\_\_\_

7. Ушбу чиқарилишдаги корпоратив облигацияларни олинишига нисбатан жамият уставдаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар: \_\_\_\_\_

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): \_\_\_\_\_

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): \_\_\_\_\_

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): \_\_\_\_\_

11. Ушбу чиқарилишдаги корпоратив облигациялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги корпоратив облигациялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпиқ обуна): \_\_\_\_\_

*(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек, корпоратив облигацияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади.)*

11.2. Ушбу чиқарилишдаги корпоратив облигациялар жойлаштирилишининг муддати: \_\_\_\_\_

*(Кўрсатилади: корпоратив облигацияларни жойлаштиришни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки корпоратив облигацияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби.*

*Агар корпоратив облигацияларни жойлаштириш муддати корпоратив облигацияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек, бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади.)*

11.3. Ушбу чиқарилишдаги корпоратив облигациялар жойлаштирилишининг тартиби: \_\_\_\_\_

*(Кўрсатилади: корпоратив облигациялар жойлаштирилишининг бориши-*

да фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорлар.

Агар эмитент томонидан корпоратив облигацияларни жойлаштириш эмитентга корпоратив облигацияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:

тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;

ушбу шахснинг асосий вазифалари, агар эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган корпоратив облигацияларни охиригиси томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек, ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби).

Захира фондининг қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги ҳақиқий миқдори (бухгалтерия балансининг маълумотлари бўйича), минг сўм \_\_\_\_\_

Бунда, соф фойдадан ажратмалар ҳисобига шакллантирилган фондининг улуши, минг сўм \_\_\_\_\_

Охириги 3 йил учун захира фонди воситаларидан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисобот, минг сўм:

Захира фонди воситаларидан фойдаланилишнинг йўналиши	20__ й.	20__ й.	20__ й.
1	2	3	4

Агар захира фонди қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор қабул қилинган санада шаклланмаган бўлса, буни жавобда акс эттириш лозим.

26. Охириги тугалланган уч молиявий йил учун фойда фойдаланилишининг асосий йўналишлари тўғрисидаги маълумотлар, минг сўм:

Тонфа	20__ й.	20__ й.	20__ й.
1	2	3	4
Ижтимоий соҳа объектларини сақлаш харажатлари			
Ишчиларга ёки ишчилар фойдасига тўланган мукофотлар ва бошқа суммалар			
Дивидендлар			
Фоизларни тўлаш			
Фойдадан бошқа йўналишлар бўйича фойдаланилган суммалар (олдинги тоифаларга киритилмаган)			
Жами:			

27. Солиқлар тўлаш бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзлар миқдори, минг сўм:

Солиқ тури	Қарз суммаси
1	2

28. Охириги ҳисобот санасидаги бошқа кредиторлар бўйича қарзларнинг умумий суммаси (мол етказиб берувчилар ва бошқа ноқредит ташкилотлар қарзларни ўз ичига олади, масалан, электр энергияси, иссиқлик таъминоти, бутловчи деталлар ва ҳоказолар етказиб берувчиларига) сўм \_\_\_\_\_

29. Дебитор қарздорлик тўғрисидаги маълумотлар, минг сўм:

(энг кам иш ҳақи суммасидан — 1000 баробардан ошган қарз кўрсатилади)

Дебиторнинг номи	Жойлашган жойи	Қарз суммаси	Қайтарилиш муддатлари	Ундириш самарасиз бўлган қарздорлик муддатлари
1	2	3	4	5

30. Эмитентга ваколатли давлат органи томонидан охириги 3 йил мобайнида қўлланилган иқтисодий санкциялар тўғрисидаги маълумотлар:

- а) санкция қўлланилган саналар \_\_\_\_\_  
 б) санкцияни қўллаган орган \_\_\_\_\_  
 в) санкция қўллаш сабаблари \_\_\_\_\_  
 г) санкциялар миқдори, сўм \_\_\_\_\_  
 д) қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор қабул қилинган пайтдаги санкциялар ижросининг даражаси \_\_\_\_\_

31. Эмитент жавобгар ёки даъвогар сифатида қатнашаётган суд жараёнларининг мавжудлиги тўғрисидаги ахборот.

32. Эмитентнинг устав капитали тўғрисидаги маълумотлар:

- а) уставга кўра устав капиталининг миқдори, сўм \_\_\_\_\_  
 б) бухгалтерия баланси маълумотлари бўйича устав капиталининг миқдори, сўм \_\_\_\_\_  
 в) устав капитали тўланган қисмининг ҳажми, сўм \_\_\_\_\_  
 г) қимматли қоғозлар бўйича номиналига нисбатан қуйидаги натижалар юзасидан фоиз ҳисобида тўланган даромадлар:

	20 й.	20 й.	20 й.
1	2	3	4
Оддий акциялар бўйича			
Имтиёзли акциялар бўйича			
Облигациялар бўйича			
Қимматли қоғозларнинг бошқа турлари бўйича			

д) қимматли қоғозларни сўндириш ёки жамиятнинг бошқа қимматли қоғозларга алмаштириш санаси (даври), мавжуд қимматли қоғозларни йириклаштириш ёхуд паст номиналдаги қимматли қоғозларга майдалаш (охириги уч йил учун):

Сўндириш ёки бошқа қимматли қоғозларга алмаштириш санаси	Йириклаштириш		Майдалаш	
	эски баҳоси сўм	янги баҳоси сўм	эски баҳоси сўм	янги баҳоси сўм
1	2	3	4	5

33. Аввалги акциялар чиқарилишлари тўғрисидаги маълумотлар, ҳар бир чиқарилиш учун алоҳида (биринчи чиқарилишда тўлдирилмайди):

- а) акциялар чиқарилиши учун асос \_\_\_\_\_;  
 б) чиқарилишнинг давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ёки идентификация рақами \_\_\_\_\_;  
 в) жойлаштиришни бошлаш санаси \_\_\_\_\_;  
 г) жойлаштиришни тугатиш санаси \_\_\_\_\_;  
 д) акциянинг номинал қиймати, сўм \_\_\_\_\_;  
 е) номинал қиймати бўйича чиқарилиш ҳажми, сўм \_\_\_\_\_;  
 ж) чиқарилган акцияларнинг умумий сони, дона \_\_\_\_\_;  
 з) чиқарилаётган акцияларнинг типлари ва уларнинг типлари бўйича сони:

оддий акциялар, дона \_\_\_\_\_;

имтиёзли акциялар, дона \_\_\_\_\_;

и) жойлаштирилган қимматли қоғозлар расмий листингига киритилган савдолар ташкилотчисининг номи ва манзили;

к) охириги йил учун қимматли қоғозлар нархларининг тақсимланиши, биржа ёки биржадан ташқарида савдоларда расмий рўйхатдан ўтказилган юқори ва пастки нархлар кўрсатилган ҳолда;

л) акцияларни чиқаришдан мақсад.

34. Облигацияларнинг аввалги чиқарилишлари тўғрисидаги маълумотлар (охириги уч йил учун), эмитент облигацияларининг ҳар бир рўйхатдан ўтказилган чиқарилишлари бўйича алоҳида, барча облигациялари сўндирилган чиқарилишлар бундан мустасно:

а) облигациялар чиқариш учун асос \_\_\_\_\_;

б) чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли \_\_\_\_\_;

в) жойлаштиришни бошлаш санаси \_\_\_\_\_;

г) жойлаштиришни тугатиш санаси \_\_\_\_\_;

д) чиқарилишдаги облигациялар сони \_\_\_\_\_;

е) чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати, сўм \_\_\_\_\_;

ж) чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича) сўм \_\_\_\_\_;

з) чиқарилишдаги ҳар бир облигация билан тақдим этиладиган ҳуқуқлар \_\_\_\_\_;

и) чиқарилишдаги облигацияларни сўндириш шартлари ва тартиби;

к) чиқарилишдаги облигациялар бўйича таъминот, қуйидагилар кўрсатилади: таъминот берган юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи;

таъминот тури;

пул кўринишидаги таъминот миқдори.

л) агар облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган бўлса, қуйидагилар кўрсатилади:

облигациялар чиқарилишини амалга ошмаган деб топган рўйхатдан ўтказувчи орган, бундай қарор қабул қилинган сана;

облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилшига асос;

м) облигацияларни чиқаришдан мақсад.

### **3. КЕЛГУСИ АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШINI МУОМАЛАГА КИРИТИШ ШАРТЛАРИ**

35. Келгуси акциялар чиқарилишини муомалага киритиш шартлари:

а) чиқарилишдаги акциялар тури \_\_\_\_\_;

б) чиқарилишдаги акциялар сони \_\_\_\_\_;

в) чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати, сўм \_\_\_\_\_;

г) чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича), сўм \_\_\_\_\_;

д) чиқарилишдаги ҳар бир акция билан тақдим этиладиган ҳуқуқлар;

е) акцияни жойлаштириш усули, шунингдек, ёпиқ обуна бўлган тақдирда ушбу чиқарилишдаги қимматли қоғозлар жойлаштирилиши амалга ошириладиган шахслар доираси кўрсатилади;

ж) акцияни жойлаштиришнинг муддати ва тартиби;

з) ушбу чиқарилишнинг акцияларини жойлаштириш баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини аниқлаш тартиби;

и) акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган банк ҳисобварақлари;

к) акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилган банк органи ва қабул қилган санаси;

л) эмитент уставида акциялар эмиссиясига ўрнатилган ҳар қандай чеклашлар, жойлаштирилаётган акцияларни сотиб олиши мумкин бўлганларга нисбатан чеклашлар;

м) инвестор томонидан сотиб олинган акциялар бўйича олинган даромадни солиққа тортиш;

н) акцияларни чиқаришдан мақсад.

#### **4. КЕЛГУСИ ОБЛИГАЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШINI МУОМАЛАГА КИРИТИШ ШАРТЛАРИ**

36. Келгуси облигациялар чиқарилишини муомалага киритиш шартлари:

а) чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли \_\_\_\_\_;

б) чиқарилишдаги облигациялар сони \_\_\_\_\_;

в) чиқарилишдаги облигациялар номинал қиймати, сўм \_\_\_\_\_;

г) чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича), сўм \_\_\_\_\_;

д) чиқарилишдаги ҳар бир облигация билан тақдим этиладиган ҳуқуқлар \_\_\_\_\_;

е) чиқарилишдаги облигацияларни муомалага киритиш тартиби ва муддатлари \_\_\_\_\_;

ж) чиқарилишдаги облигациялар бўйича таъминот:

таъминот берган юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи;

таъминот тури;

пул кўринишидаги таъминот миқдори;

з) облигацияларни жойлаштириш усули, шунингдек, ёпиқ обуна бўлган тақдирда ушбу чиқарилишдаги қимматли қоғозлар жойлаштирилиши амалга ошириладиган шахслар доираси кўрсатилади;

и) облигацияни жойлаштиришнинг муддати ва тартиби;

к) облигацияларни жойлаштиришнинг тахминий баҳоси;

л) облигацияларни тўлаш шартлари ва тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, облигациялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган банк ҳисобварақлари;

м) облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилган эмитент органи ва тасдиқланган санаси;

н) эмитент уставида облигациялар эмиссиясига ўрнатилган ҳар қандай чеклашлар, жойлаштирилаётган облигацияларни сотиб олиши мумкин бўлганларга нисбатан чеклашлар;

о) инвестор томонидан сотиб олинган облигациялар бўйича олинган даромадни солиққа тортиш;

п) облигацияларни чиқаришдан мақсад.

37. Қимматли қоғозларга тўлов пул бўлмаган воситалар билан тўлан-

ган тақдирда қимматли қоғозлар тўланиши мумкин бўлган мол-мулкнинг рўйхати кўрсатилсин.

Ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилганда қимматли қоғозлар чиқарилишининг улуши (бундай улуш ушбу чиқарилишдаги қимматли қоғозлар умумий сонининг 60 фоизидан кам миқдорда белгиланиши мумкин эмас).

Қимматли қоғозлар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан қимматли қоғозлар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби.

38. Облигациялар бўйича даромадлар тўлаш ва уларни сўндириш шартлари:

а) облигацияларни сўндириш шакли (пул маблағлари, мол-мулк, конвертация ва хоказо);

б) облигацияларни сўндириш тартиби ва шартлари, сўндириш муддати киритилган ҳолда;

сўндириш муддати облигациялар чиқарилишининг жойлаштирилиши бошланган пайтдан бошлаб белгиланади ва қуйидагича белгиланиши мумкин:

календарь сана билан (ушбу календарь санани белгилаш тартиби билан);

муайян давр билан (ушбу муайян даврни белгилаш тартиби билан);

в) облигацияларнинг ҳар бири бўйича тўланадиган даромадни белгилаш тартиби (даромад миқдори ёки уни белгилаш тартиби, шу билан бирга ҳар бир купон бўйича тўланадиган даромад миқдори ёки уни белгилаш тартиби);

г) облигациялар бўйича даромадни тўлаш тартиби ва муддати, ҳар бир купон бўйича даромадни тўлаш тартиби ва муддатини ўз ичига олган ҳолда;

д) облигацияларни муддатидан олдин сўндириш эҳтимоли ва шартлари, хусусан: муддатидан олдин сўндиришнинг баҳоси (қиймати), корпоратив облигациялар муддатидан олдин сўндиришга ундан олдин тақдим этилиши мумкин бўлмаган муддат, шунингдек, эмитент томонидан муддатидан олдин сўндириш тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш тартиби.

39. Облигациялар бўйича даромадлар тўлаш ва уларни сўндириш тўғрисидаги ахборот тегишли тўловлар амалга оширилиши назарда тутилган кредит ташкилотлари (тўлов агентлари) тўғрисидаги қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим: тўлиқ ва қисқартирилган фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили.

40. Эмитент облигациялар бўйича мажбуриятларни бажаришни рад этган тақдирда облигациялар эгалари ҳаракатларининг тавсифи, шунингдек, бажарилмаган мажбуриятлар ҳажми, мажбуриятларни бажарилмаслик сабабларини ўз ичига олиши лозим бўлган облигациялар бўйича даромадлар тўлаш ва уларни сўндириш юзасидан мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш тартиби, шунингдек, облигациялар эгаларининг ўз талабларини қондириш бўйича тахминий ҳаракатлари рўйхати.

41. Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва сақлаш, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, эмитентнинг қимматли қоғозлар эгалари реестрини шакллантиришни амалга оширган марказий рўйхатдан ўтказув-

чининг ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширган депозитарийнинг телефони, шунингдек, тегишли фаолиятни амалга оширишга доир лицензия тўғрисидаги маълумотлар (рақами, берилган санаси, лицензияни берган орган, амал қилиш муддати): \_\_\_\_\_

42. Ҳисобга олиш тартибига ва қимматли қоғозларга бўлган эгалик ҳуқуқларининг олувчига ўтишига дахлдор асосий маълумотлар келтирилади.

43. Қимматли қоғозларни жойлаштиришда иштирок этувчи ташкилотлар (андеррайтерлар) тўғрисидаги маълумотлар:

ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, қимматли қоғозларни жойлаштиришда иштирок этувчи ташкилотларнинг жойлашган жойи ва почта манзили, уларнинг вазифалари, жойлаштириш усуллари ва эмитент билан ушбу ташкилотлар ўртасидаги шартноманинг (шартномаларнинг) муҳим шартлари, бадал шартлари, шунингдек, қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензияларнинг рақамлари, берилган саналари ва лицензияларнинг амал қилиш муддатлари ва уларни берган орган.

44. Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва қимматли қоғозлар эмиссия рисоласининг асл нусхаси ва нусхалари билан танишиш тартиби ва жойи тўғрисидаги ахборот.

Қимматли қоғозлар чиқарилишининг шартлари жойлаштириладиган ахборот-маълумот тизимларининг, даврий босма нашрларнинг манзиллари ва номлари.

45. Қимматли қоғозлар сотиладиган асосий жойлар.

46. Ушбу қимматли қоғозлар чиқарилишининг листингга киритилиши режалаштириладиган савдолар ташкилотчиси тўғрисидаги ахборот.

47. Гуруҳлар бўйича таваккалчилик омилларини синчиклаб таҳлил этиш:

Таваккалчилик омиллари	Багафсил тавсиф
1	2
Иқтисодий (банк фаолият соҳасининг инфляцияга мойиллиги, қайта молиялаштириш ставкасининг корхона айланма маблағларига таъсири ва ҳоказо)	
Рақобат (тармоқда худди шундай маҳсулотни пастроқ нархлар бўйича ишлаб чиқарётган корхоналарнинг мавжудлиги)	
Ижтимоий (ушбу ҳудудда керакли мутахассисларнинг йўқлиги, ишчилар сонини қисқартириш эҳтимолининг ҳудуддаги вазиятга таъсири, ижтимоий-маданий аҳамиятга молик объектларни сақлашнинг корхона бюджетига таъсири ва ҳоказо)	
Техник (ускуна бир қисмининг эскириши ва ҳоказо)	
Экологик (экологик меъёрлар бузилганлиги учун корхонани ёпиш эҳтимоли ва ҳоказо)	

48. Мазкур эмиссия рисоласида кўрсатилган барча ҳужжатлар унинг таркибий қисмидир ва улар бириктирилган, рақамланган, тикилган ва эмитентнинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий  
қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат  
рўйхатидан ўтказиш қоидаларига  
3-ИЛОВА

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

**Қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан  
ўтказиш тўғрисидаги  
А Р И З А**

\_\_\_\_\_ манзил бўйича  
жойлашган: \_\_\_\_\_, бир дона акциянинг  
(эмитентнинг тўлиқ номи)  
(облигациянинг) номинал қиймати \_\_\_\_\_ сўм бўлган умумий қиймати  
\_\_\_\_\_ сўмлик акциялар (облигациялар) \_\_\_\_\_ чиқа-  
(қимматли қоғозларнинг сони, кўринишлари ва турлари санаб ўтилади)  
рилишини давлат рўйхатидан ўтказишингизни сўрайди.

Уставга кўра устав капиталнинг миқдори \_\_\_\_\_ сўм.

Ушбу акциялар (облигациялар) чиқарилиши \_\_\_\_\_ чиқарилишдир.  
(чиқарилишнинг тартиб рақами)

Лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензия бўйича фаолият тури  
\_\_\_\_\_\*

Раҳбар

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.)

Бош бухгалтер

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.)

Мухр

Сана

\* Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг лицензияси  
мавжуд бўлган тақдирда тўлдирилади.





Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий  
қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат  
рўйхатидан ўтказиш қоидаларига  
5-ИЛОВА

### Эмитентни рўйхатдан ўтказиш КАРТАСИ

Тўлиқ номи

\_\_\_\_\_

Қисқартирилган номи:

\_\_\_\_\_

Устав фондининг миқдори (сўм): \_\_\_\_\_

Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғ-  
рисидаги маълумотлар:

Рўйхат рақами: \_\_\_\_\_

Ўзбекистон Республикаси статистика  
Департаментидаги давлат рўйхатидан  
ўтказиш кодлари

\_\_\_\_\_

КТУТ коди \_\_\_\_\_

ХХТУТ коди \_\_\_\_\_

МШТ коди \_\_\_\_\_

МХОБТ коди \_\_\_\_\_

ТХШТ коди \_\_\_\_\_

Рўйхатдан ўтказилган сана « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ й. \_\_\_\_\_

Давлат рўйхатидан ўтказувчи орган \_\_\_\_\_

Юридик манзил:	Вилоят _____
Давлат _____	Шаҳар, аҳоли пункти _____
Туман _____	_____
Кўча, уй рақами _____	_____
Почта манзили:	Давлат _____
Почта индекси _____	Туман _____
Вилоят _____	Кўча, уй рақами _____
Шаҳар, аҳоли пункти _____	Факс _____
Телефон _____	
Электрон почта (E-Mail)	

Хат-хабарларни олиш усули \_\_\_\_\_

Тармоқ \_\_\_\_\_

(Таркибига корхона кирадиган (уюшма, корпорация ва ҳоказоларнинг) тўлиқ номи ва жойлашган жойи)

Банк реквизитлари:

Ҳ/Р рақами \_\_\_\_\_ МФО рақами \_\_\_\_\_

В/Ҳ/Р № \_\_\_\_\_ Вакил./ҳисоб. \_\_\_\_\_

Банкнинг номи \_\_\_\_\_

СТИР коди \_\_\_\_\_

Хусусийлаштириш тўғрисидаги маълумотлар/хусусийлаштирилган АЖлар учун:

Хусусийлаштириш буйруғининг рақами \_\_ Хусусийлаштириш давлат ордерининг рақами \_\_

Берилган сана «\_\_»\_\_\_\_\_ Берилган сана «\_\_»\_\_\_\_\_

Ким томонидан берилган \_\_\_\_\_ Ким томонидан берилган \_\_\_\_\_

Юрисдикция \_\_\_\_\_

Хат-хабарларни етказиш усули:

\_\_ хат \_\_ буюртма хат \_\_\_\_\_ факс \_\_ курьердан

\_\_ \_\_\_\_\_

Эмитентнинг ваколатли шахслари

### I шахс

Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

Лавозим \_\_\_\_\_

Паспорт маълумотлари: серияси \_\_ рақами \_\_\_\_\_ берилган санаси \_\_\_\_

ким томонидан берилган \_\_\_\_\_ қачонгача \_\_\_\_\_

Телефон рақами \_\_\_\_\_ : Имзо намунаси: : :

Имзолаш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар \_\_\_\_\_

### II шахс

Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

Лавозим \_\_\_\_\_

Паспорт маълумотлари: серияси \_\_ рақами \_\_\_\_\_ берилган санаси \_\_\_\_

ким томонидан берилган \_\_\_\_\_ қачонгача \_\_\_\_\_

Телефон рақами \_\_\_\_\_ : Имзо намунаси: : :

Имзолаш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар \_\_\_\_\_

Эмитент муҳри изининг намунаси	
-----------------------------------	--

Рўйхатдан ўтказиш картасини тасдиқлади:

\_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (лавозим)

Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий  
қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат  
рўйхатидан ўтказиш қоидаларига  
6-ИЛОВА

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

### Қимматли қоғозларни чиқариш натижалари тўғрисидаги БИЛДИРИШНОМА

\_\_\_\_\_манзил бўйича  
жойлашган: \_\_\_\_\_, қимматли қоғозлар  
(эмитентнинг тўлиқ номи)

чиқарилиши тўғрисидаги қарор (\_\_\_\_\_ йил, рўйхат рақами \_\_\_\_\_) асосида  
чиқарилган \_\_\_\_\_ акцияларнинг (облигацияларнинг)  
(ҳақиқатда жойлаштириш тугаган сана)

\_\_\_\_\_дона ёки \_\_\_\_\_ фоизи тўлиқ (қисман) жойлаштирилганини маълум  
қилади.

Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга (\_\_\_\_\_ йил, рўйхат  
рақами \_\_\_\_\_) кўра \_\_\_\_\_ чиқарилган.  
(эмитентнинг номи) (қимматли қоғозларнинг тури, кўриниши, номинал қиймати ва сони)

Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга (\_\_\_\_\_ йил, рўйхат  
рақами \_\_\_\_\_) кўра қимматли қоғозларни жойлаштириш тугаган сана (муд-  
дат): \_\_\_\_\_.

Кузатув кенгашининг раиси

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.)

Эмитент раҳбари

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.)

Бош бухгалтер

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.)

Мухр

Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий  
қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат  
рўйхатидан ўтказиш қоидаларига  
7-ИЛОВА

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

### Облигацияларнинг муомала муддати тугаганлиги тўғрисидаги БИЛДИРИШНОМА

\_\_\_\_\_ манзил бўйича  
жойлашган \_\_\_\_\_, қимматли қоғозлар  
(эмитентнинг тўлиқ номи)  
чиқарилиши тўғрисидаги қарор (\_\_\_\_\_ йил, рўйхат рақами \_\_\_\_\_) асосида  
чиқарилган \_\_\_\_\_ облигацияларнинг  
(амалда жойлаштириш тугаган сана)  
\_\_\_\_\_ донаси ёки \_\_\_\_\_ фоизи тўлиқ (қисман) жамият томонидан сотиб  
олинганлигини маълум қилади.

1. Облигацияларни харид қилиш бўйича охириги битимнинг (шартнома-  
нинг) санаси: \_\_\_\_\_.
2. Харид қилинган облигациялар бўйича охириги тўловнинг санаси:  
\_\_\_\_\_.
3. Эмитент депо ҳисобварағига облигацияларни охириги ўтказиш сана-  
си: \_\_\_\_\_.

Облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга (\_\_\_\_\_ йил, рўйхат  
рақами \_\_\_\_\_) кўра \_\_\_\_\_ чиқарилган.  
(эмитентнинг номи) (қимматли қоғозларнинг тури, кўриниши, номинал қиймати ва сони)

Облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга (\_\_\_\_\_ йил, рўйхат  
рақами \_\_\_\_\_) кўра облигацияларни сўндириш тугаган сана (муддат): \_\_\_\_\_.

Кузатув кенгашининг раиси

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.)

Эмитент раҳбари

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.)

Бош бухгалтер

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.)

Мухр

Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий  
қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат  
рўйхатидан ўтказиш қоидаларига  
8-ИЛОВА

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

**Аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар  
чиқаришларига киритилган ўзгартиришлар ва (ёки)  
қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказишга  
АРИЗА**

\_\_\_\_\_манзил бўйича жойлашган:  
\_\_\_\_\_, аввалги рўйхатдан ўтказилган акциялар  
(эмитентнинг тўлиқ номи)  
(облигациялар) чиқарилишига ўзгартиришларни \_\_\_\_\_  
(давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ва рақами)  
давлат рўйхатидан ўтказишингизни сўрайди.

Аввалги рўйхатдан ўтказилган акциялар (облигациялар) чиқарилишига  
ўзгартиришлар \_\_\_\_\_ сабабли  
(қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга ўзгартиришлар киритишнинг сабаби кўрсатилади)  
киритилмоқда.

Лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензия бўйича фаолият тури  
\_\_\_\_\_\*

Рахбар

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш.)

Бош бухгалтер

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш.)

Мухр

Сана

\* Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг лицензияси  
мавжуд бўлган тақдирда тўлдирилади.

Қимматли қоғозлар эмиссияси ва  
эмиссиявий қимматли қоғозлар  
чиқарилишларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш қоидаларига  
9-ИЛОВА

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

\_\_\_\_\_ (эмитентнинг номи)

\_\_\_\_\_ (жамият кузатув кенгаши раисининг ёки бошқа ваколатли  
шахсининг Ф.И.Ш. ва имзо)

\_\_\_\_\_ -сон  
(сана) М.Ў.

**«КЕЛИШИЛГАН»\***

**Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки**

\_\_\_\_\_ (раҳбарнинг лавозими, Ф.И.Ш., имзо)

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ й.  
М.Ў.

**« РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН »**

\_\_\_\_\_ (рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

\_\_\_\_\_ (рўйхатдан ўтказувчи орган ваколатли шахсининг лавозими, Ф.И.Ш., имзо)

\_\_\_\_\_ -сон  
(сана) М.Ў.

\_\_\_\_\_ ТОМОНИДАН \_\_\_\_\_ -сон  
(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи) (рўйхатдан ўтказилган сана) (рўйхат рақами)

билан рўйхатдан ўтказилган « \_\_\_\_\_ » қимматли  
(эмитентнинг номи)

қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига киритилаётган ўзгартиришлар  
ва (ёки) қўшимчаларнинг

**МАТНИ**

Амалдаги таҳрир	Янги таҳрир
Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорининг давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ва рақами	

Эмитент раҳбари \_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш., имзо)

Эмитент бош бухгалтери \_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш., имзо)

М.Ў.

\* Тижорат банклари учун

Қимматли қоғозлар эмиссияси ва  
эмиссиявий қимматли қоғозлар  
чиқарилишларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш қоидаларига  
10-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАНГАН»

\_\_\_\_\_ (эмитент номи)

\_\_\_\_\_ (жамият кузатув кенгаши раисининг ёки бошқа ваколатли  
шахснинг Ф.И.Ш. ва имзо)

\_\_\_\_\_ -сон  
(сана) М.Ў.

«КЕЛИШИЛГАН»\*

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

\_\_\_\_\_ (раҳбарнинг лавозими, Ф.И.Ш, имзо)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.  
М.Ў.

\_\_\_\_\_ ТОМОНИДАН \_\_\_\_\_ -СОН  
(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи) (рўйхатдан ўтказилган сана) (рўйхат рақами)

билан рўйхатдан ўтказилган «\_\_\_\_\_» қимматли  
(эмитентнинг номи)

қоғозлар чиқарилиши эмиссия рисоласига киритилаётган ўзгартиришлар ва  
(ёки) қўшимчалар

### МАТНИ

Амалдаги таҳрир	Янги таҳрир
Қимматли қоғозлар чиқарилишининг давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ва рақами	

Эмитент раҳбари \_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш., имзо)

Эмитент бош бухгалтери \_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш., имзо)

М.Ў.

\* Тижорат банклари учун

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ  
БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**395** Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1648-4*

*(2009 йил 9 сентябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда) 7 ва 17-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон) 144-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 21 октябрдаги 25/6-сон қарори (рўйхат рақами 1648, 2006 йил 27 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 51-52-сон) билан тасдиқланган «Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 16-банди биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 23-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланган» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 144-моддаси учинчи қисмида белгиланган» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 15 август,  
23/2-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ  
АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ  
БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**396** Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхатига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1802-2*

*(2009 йил 9 сентябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 14 мартдаги ПФ-3860-сон Фармонининг 5-бандига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 11-сон, 96-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 2 майдаги 52, 46, ЭГ-01/19-2784 ва 01-02/8-38-сон қарори (рўйхат рақами 1802, 2008 йил 3 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 19-сон, 163-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар Рўйхатига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Иқтисодиёт вазири**

**С. БЕКЕНОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 15 август,  
80-сон

**Молия вазири****Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 15 август,  
84-сон

**Ташқи иқтисодий алоқалар,  
инвестициялар ва савдо вазири****Э. ҒАНИЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 15 август,  
ЭГ-в-01/10-5247-сон

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси****С. НОСИРОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 15 август,  
01-02/20-21-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги,  
Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар  
ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмита-  
сининг 2009 йил 15 августдаги 80, 84,  
ЭГ-в-01/10-5247, 01-02/20-21-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда  
импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан  
озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва  
эхтиёт қисмлар Рўйхатига киритилаётган  
ўзгартиришлар ва қўшимчалар**

1. «ТИФ ТН коди (2007 йил версияда)» графасида:  
18-қаторда «8421» сонлари «8421 \*\*\*» сонлари билан алмаштирилсин;  
39-қаторда «8443 (8443 31 — 8443 99 дан ташқари)» сўзлари «8443\*\*\*  
(8443 31 — 8443 99 дан ташқари)» сўзлари билан алмаштирилсин;  
40-қаторда «8444 00» сонлари «8444 00 \*\*\*» сонлари билан алмашти-  
рилсин;  
41-қаторда «8445» сонлари «8445 \*\*\*» сонлари билан алмаштирилсин;  
42-қаторда «8446» сонлари «8446 \*\*\*» сонлари билан алмаштирилсин;  
43-қаторда «8447» сонлари «8447 \*\*\*» сонлари билан алмаштирилсин;  
44-қаторда «8448» сонлари «8448 \*\*\*» сонлари билан алмаштирилсин;

45-қаторда «8449 00 000 0» сонлари «8449 00 000 0 \*\*\*» сонлари билан алмаштирилсин;

46-қаторда «8451» сонлари «8451 \*\*\*» сонлари билан алмаштирилсин;

47-қаторда «8452 21 000 0, 8452 29 000 0» сонлари «8452 21 000 0 \*\*\*, 8452 29 000 0 \*\*\*» сонлари билан алмаштирилсин.

2. Қуйидаги мазмундаги 84<sup>1</sup> и 84<sup>2</sup>-қаторлар билан тўлдирилсин:

«

84 <sup>1</sup>	9011 10 900 0, 9011 80 000 0	Микроскоп, трихоноскоп
84 <sup>2</sup>	9012 10 900 0	Микроскоп рақамли универсал ИМЦ, БМУ

».

3. Қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

«\*\*\* Импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғи тўлови бўйича имтиёзлар, шунингдек, божхона расмийлаштируви вақтида ишлаб чиқарилган йили 3 йилдан ортиқ бўлган тўқимачилик соҳаси корхоналарини ташкил этиш, модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳалари учун корхоналар томонидан тўғридан-тўғри инвестиция ҳисобига корхона устав фондига улуш сифатида келтириладиган технологик ускуналарга қўлланилади.

Имтиёзларни қўллаш учун қуйидагилар асос бўлади:

«Ўзбекенгилсаноат» ДАК ва «Ўзенгсанлойиҳа» МЧЖнинг келтирилаётган усқунанинг замонавий технологиялар талабларига ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаши тўғрисидаги эксперт хулосаси;

импорт қилинаётган усқуналар ўрнатиладиган корхонанинг, ушбу усқуналарни корхона устав фондига улуш сифатида киритилишини кўрсатадиган таъсис ҳужжатлари.

Кўрсатиб ўтилган хулосалар (ҳужжатлар) усқуналарни эркин муомалага чиқариш режимда божхона расмийлаштируви вақтида БЮД билан бирга тақдим этилиши зарур».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИНИНГ  
ҚАРОРИ

**397 Футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларига ўқувчилар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2001*

*(2009 йил 9 сентябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги «Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 173-сон қарорининг 5-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази **қарор қилади:**

1. Футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларига ўқувчилар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан ўн кундан сўнг кучга киради.

**Халқ таълими вазири**

**Ғ. ШОУМАРОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 19 август,  
31-сон

**Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги  
Давлат тест маркази директори**

**Б. ИСМОИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 19 август,  
25/ҚҚ-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазирлиги ва Давлат тест  
марказининг 2009 йил 19 августдаги  
31, 25/ҚҚ-сонли қўшма қарорига  
ИЛОВА

### **Футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларига ўқувчилар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сон «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги ва 2008 йил 7 августдаги 173-сон «Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларига (кейинги ўринларда мактаб-интернат деб юритилади) ўқувчиларни қабул қилиш тартибини белгилайди.

#### **I. Умумий қоидалар**

1. Мактаб-интернатга жисмоний жиҳатдан тайёрланган, футболга қобилияти бўлган, умумтаълим мактабининг 4-синфини тугатган (10-11 ёш) футбол билан шуғулланган, танлов имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган ўқувчилар танлов натижалари асосида қабул қилинади.

2. Мактаб-интернатнинг асосий вазифаси истеъдодли ва иқтидорли болаларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш, ўқитиш, тарбиялаш ва уларнинг индивидуал хусусиятларини ривожлантириш, футбол соҳасида спорт қобилиятини шакллантиришга ва энг тўлиқ даражада амалга оширишга қўмаклашувчи муҳит яратиш, футбол бўйича республикамизда фаолият кўрсатаётган жамоалар учун муносиб спортчилар тайёрлашдан иборат.

#### **II. Ҳужжатларни қабул қилиш тартиби**

3. Мактаб-интернатга ўқувчиларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ва танлов имтиҳонларида иштирок этувчи ўқувчилар рўйхатини шакллантириш учун мактаб-интернатларида қабул ҳайъати тузилади.

4. Қабул ҳайъати таркиби Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиқлари томонидан тасдиқланади ва улар айни вақтда қабул ҳайъати раиси ҳисобланадилар. Қабул ҳайъати таркибини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон футбол Федерацияси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий органлари вакиллари ташкил этади.

5. Мактаб-интернат директори ҳайъатнинг масъул котиби ҳисобланади.

6. Мактаб-интернатга жорий ўқув йилида 4-синфни тугатган ўқувчилар 5-синфга танлов асосида қабул қилинади.

7. Мактаб-интернатга кириш учун 25 июндан 8 августгача (шу кун ҳам) қуйидаги ҳужжатлар қабул қилинади:

таълим йўналиши ва ўқув тили кўрсатилган ҳолдаги ота-онасининг аризаси;

ўзлаштириш баҳолари табели;

№ 086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома;

турар жойдан маълумотнома;

3,5 x 4,5 см. ҳажмдаги 6 та фотосурат;

туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва нусхаси;

футболчи паспорти — Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида шугулланганлар учун.

### **III. Танлов имтиҳонларини ўтказишни ташкил этиш**

8. Танлов имтиҳонларини ўтказиш учун имтиҳонларни ўтказиш ҳайъати ташкил этилади. Имтиҳонларни ўтказиш ҳайъати таркиби қабул ҳайъати раиси томонидан тасдиқланади.

9. Танлов имтиҳонларида иштирок этган ўқувчиларнинг билими ихтисослик имтиҳонлари ва умумтаълим фанлари бўйича тест синовлари асосида баҳоланади.

Мактаб-интернатга синовлардан юқори балл тўплаган ўқувчилар қабул қилиш квотасига мувофиқ ўқишга қабул қилинади.

10. Танлов имтиҳонларнинг натижалари бўйича қайдномалар тўлдирилиб, қайдномалар қабул ҳайъати раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

### **IV. Ихтисослик имтиҳонлари синовларини ўтказиш тартиби**

11. Ихтисослик бўйича имтиҳонлари 11 августдан 16 августгача (шу кун ҳам) ўтказилади ва ҳар бир синов натижалари ўтказилган куннинг эртасидан кечиктирмай ўқувчиларга эълон қилинади.

12. Антропометрик (оғирлиги ва бўйи) маълумотлар, функционал имкониятлар ва саломатликдаги нуқсонларни аниқлаш бўйича шифокор назоратидан ўтган ўқувчиларга ихтисослик имтиҳонларини топшириш учун рухсат этилади. Ихтисослик имтиҳонлари ўқувчининг антропометрик (оғирлиги ва бўйи) кўрсаткичлари, функционал имкониятлари ва соғлиғидаги камчиликларни аниқлаш мақсадида 9-10 август кунлари вилоят, туман, шаҳар жисмоний тарбия, тиббиёт диспансери билан мактаб-интернатнинг мурабий-ўқитувчилари томонидан амалга оширилади.

13. Ўқувчининг жисмоний ривожланганлиги ва функционал тайёргарлик кўрсаткичлари мазкур Низомнинг 1-иловасида белгиланган баллар асосида баҳоланади.

Ўқувчининг ихтисослик имтихонлари умумий жисмоний тайёргарлик, махсус жисмоний тайёргарлик, ўйин фаолияти бўйича ўтказилади.

14. Ўқувчилар топширадиган имтихонлари ҳамда умумий, махсус жисмоний тайёргарлик ва ўйин фаолиятини баҳолашнинг ягона меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон футбол Федерацияси томонидан 2-иловага мувофиқ ишлаб чиқилиб тасдиқланади.

15. Ўқувчилар танлов натижаларида тўплаган умумий баллари асосида баҳоланади.

#### **V. Умумтаълим фанлари бўйича тест синовларини ўтказиш тартиби**

16. Ўқувчиларни умумтаълим фанлари бўйича (математика ва она тили) билимини баҳолаш тест синовларидан иборат. Тест саволлари бошланғич таълим дастури асосида ҳар бир фандан 30 та саволдан, қабул ҳайъати томонидан ишлаб чиқилади. Ҳар бир тўғри жавоб 3 балл билан баҳоланади. Умумтаълим фанлари бўйича тест синовларига ҳар бир фан учун 90 дақиқа вақт ажратилади.

17. Умумтаълим фанлари бўйича тест синовлари 17-18 август кунлари ўтказилади. Умумтаълим фанлари бўйича тест синов натижалари ўтказилган куннинг эртасидан кечиктирмай махсус жойларга осиб қўйилади.

#### **VI. Ўқувчиларни танлов имтихонлари натижаларини ўтказиш ва қабул қилиш**

18. Ихтисослик имтихон натижалари ва умумтаълим фанлари бўйича тест синов натижалари 20 августдан кечиктирмасдан махсус жойларга осиб қўйилади.

19. Мактаб-интернат томонидан 25 августдан кечиктирмай қабул қилинган ўқувчилар тўғрисида буйруқ чиқарилади.

20. Танлов имтихонлари натижаларига кўра, ўқувчилар ёки уларнинг ота-оналари норозилик аризасини бериш ҳуқуқига эгалар.

#### **VII. Ўқувчининг жисмоний ва махсус тайёргарлигини ўрганиш ва бўш қолган ўринларга ўқувчиларни қабул қилиш**

21. Ўқувчиларнинг жисмоний ва махсус тайёргарлигини ўрганиш ўқув йили давомида бир марта ўзлаштиролмаётган ўқувчиларни аниқлаш мақсадида ўтказилади.

22. Ўқувчиларнинг жисмоний ва махсус тайёргарлигини ўрганиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган махсус ҳайъат аъзолари томонидан амалга оширилади.

23. Махсус ҳайъат ўқувчиларнинг жисмоний ва махсус тайёргарлигини ўрганишда ўқувчиларнинг жисмоний ва махсус тайёргарлик меъёрларини бажара олишларига эътибор қаратади.

Махсус ҳайъат томонидан ўрганиш натижасига кўра жисмоний ва махсус тайёргарлик меъёрларини ўзлаштираолмаган деб топилган ўқувчилар педагогик кенгаш қарори асосида четлаштирилади ва аввал ўқиган мактабга қайтариб юборилади (ўқувчининг яшаш жойи ўзгарган шароитда тегишли ҳудуддаги бошқа мактабга). Бунда, истисно тариқасида, 5 синф ва 9 синф ўқувчилари четлатилмайди.

24. Бўшаб қолган ўринларга ўқувчиларни қабул қилиш мазкур Низомда белгиланган тартибда ўқув йилининг 1-ярим йиллигидагина амалга оширилади.

25. Ўқувчиларнинг синов нормативлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон футбол Федерацияси томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

### **VIII. Яқуний қоидалар**

26. Мазкур Низом талабларини бузишда айбдор бўлган шахс қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

27. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Футбол федерацияси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

*Маданият ва спорт  
ишлари вазири*

**А. ЖАББОРОВ**

*2009 йил 5 август*

*Футбол федерацияси  
президенти*

**М. УСМОНОВ**

*2009 йил 5 август*

*Соғлиқни сақлаш вазири*

**А. ИКРОМОВ**

*2009 йил 5 август*



Футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган  
мактаб-интернатларига ўқувчилар қабул  
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

### Назорат синовларини баҳолаш тахминий МЕЗОНЛАРИ

1. 5-синфга кириш учун ўқувчиларнинг умумий жисмоний тайёргарлигини баҳолаш мезони.

Умумий жисмоний тайёргарликни баҳолашнинг тахминий мезонлари:

Т/р	Назорат синовлари	10 ёш					11 ёш				
		30 б.	25 б.	20 б.	15 б.	10 б.	30 б.	25 б.	20 б.	15 б.	10 б.
1.	30 м га югуриш (сек)	5,3	5,4	5,5	5,6	5,7	5,1	5,2	5,3	5,4	5,5
2.	300 м га югуриш (сек)	60,0	61,0	62,0	63,0	64,0	59,0	60,0	61,0	62,0	63,0
3.	Жойидан узунликка сакраш (см)	160	150	140	130	120	170	160	150	140	130

Ўқувчиларнинг умумий жисмоний тайёргарлигини баҳолаш учун максимал балл — 90 баллга тенг.

### Назорат синовларини бажариш тартиби:

300 м га югуриш — машқ енгил атлетика бўйича мусобақа қоидаларига асосан бажарилади. Югуриш юқори стартдан амалга оширилади. Битта уринишга йўл қўйилади;

30 м га югуриш юқори стартдан — икки даъвогар «стартга», «Диққат», «Марш» сигнали билан стартни бошлайдилар. Икки уриниш бажарилади, яхши натижа ҳисобга олинади;

жойидан узунликка сакраш — даъвогар назорат чизиғи ортида туради. Унинг ён томонига (полга) 3 м ли бўлинмаган шкала чизилади. Ўлчаш сакраш узунлигини ҳисоблашнинг умум қабул қилинган қоидалар асосида ўтказилади. Икки уриниш бажарилади, яхши натижа ҳисобга олинади.

2. 5-синфга кириш учун ўқувчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини баҳолаш мезонлари.

Махсус жисмоний тайёргарликни баҳолашнинг тахминий меъёрлари:

Т/р	Назорат синовлари	10 ёш					11 ёш				
		25 б.	20 б.	15 б.	10 б.	5 б.	25 б.	20 б.	15 б.	10 б.	5 б.
1.	Тўпни бош ортидан отиш (АУТ) (м)	13	12	11	10	9	14	13	12	11	10
2.	Жанглировка (марта)	15	13	11	9	7	17	15	13	11	9
3.	«Саккизлик» (сек)	18,5	19,5	20,5	21,5	22,5	17,5	18,5	19,5	20,5	21,5
4.	«Слалом» (сек)	9,0	10,0	11,0	12,0	13,5	7,5	8,5	9,5	10,5	11,5


Ўқувчиларни махсус жисмоний тайёргарлигини баҳолаш учун максимал балл — 100 баллга тенг.

### Назорат синовларини бажариш тартиби:


тўпни бош ортидан отиш — футбол ўйинига мувофиқ 2 метрли йўлак (коридор) бўйлаб бажарилади. Йўлак ташқарисига тушган тўп ҳисобга олинмайди. Икки уриниш учун имкон берилади, яхши натижа қайд этилади:

тўпни ерга туширмасдан оёқда ўйнатиш (Жанглировка) — ўнг ва чап оёқлар (кафт устининг ўртаси, ички, ташқи қисми), сон, бош билан зарбалар берилади. Зарбалар исталган тартибда, бир хил зарбани кетма-кет икки мартадан ортиқ такрорламаган ҳолда бажарилади.

«Саккизлик» тести — бешта футбол устунни бир-биридан 10 м масофада квадрат шаклида ўрнатилади, битта устун ўртада бўлади. Дастлабки «Диккат» буйруғи берилади. Кейин «Марш» буйруғи билан даъвогар тўп билан 1-сонли устундан 2-сонли устунга тезлик билан югуради, уларни айланиб ўтиб, 3 ва 4-сонли устунлар томон йўналади, 4-сонли устунни айланиб ўтиб, ўйинчи тўпни 2-сонли устунга олиб боради, кейин 5-сонли устундан ўтиб 1-сонли устун ёнида тўхтади. Машқни бажариш учун сарфланган вақти ҳисобга олинади. Иккита уринишга имкон берилади, яхши натижа қайд этилади.



«Слалом» тести — тўпни ҳар 5 метрга ўрнатилган учта устун орасидан аввал у томонга, кейин бу томонга олиб юриш:



3. 5-синфга кириш учун ўқувчиларнинг ўйин фаолиятини баҳолаш мезонлари.

Ўқувчи-спортчининг ўйин фаолиятига баҳо бериш унинг бажарган самарали ҳаракатларини ҳисобга олиш билан белгиланади.

Ўйин фаолиятидаги техник-тактик ҳаракатларни баҳолашда ўқувчининг шериклари билан ўзаро муносабати, дарвозага зарба бериши, рақибни алдаш каби қобилиятларига алоҳида эътибор берилади.

Ўйин фаолиятини баҳолаш тахминий мезонлари:

Т/р	Ўйин фаолияти кўрсаткичлари	50 б.	40 б.	30 б.	20 б.	10 б.
1.	Техник-тактик ҳаракатлар миқдори	30 та	25 та	20 та	15 та	10 та
2.	Техник-тактик ҳаракатлар самарадорлиги	50	40	35	30	25

Ўқувчилар ўйин фаолиятини баҳолаш учун максимал балл — 100 балл.

Футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган  
мактаб-интернатларига ўқувчилар қабул  
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

### **Ўқувчининг жисмоний ривожланганлиги ва функционал тайёргарлигини баҳолаш МЕЗОНЛАРИ**

Т/р	Кўрсаткичлар	25 б.	20 б.	15 б.	10 б.	5 б.
1.	Бўйи (см)	152	149	146	143	140
2.	Оғирлиги (кг)	40	38	36	34	32
3.	Оғирлик-бўй индекси Кесма г/см	263	255	246	238	228

Ўқувчининг жисмоний ривожланганлиги ва функционал тайёргарлигини баҳолаш учун максимал балл — 75 балл. Оғирликни (кг) граммга айлантирамиз, бўйига бўламиз (см).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**398** Тўлов агентлик тармоғи орқали жисмоний шахсларнинг тўловларини қабул қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2002*

*(2009 йил 9 сентябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 15 апрелдаги ПК-57-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 39-сон, 296-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2000 й., 9-10-сон, 146-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги **қарор қиладилар:**

1. Тўлов агентлик тармоғи орқали жисмоний шахсларнинг тўловларини қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Марказий банк раиси**

Тошкент ш.,  
2009 йил 15 август,  
311-В-сон

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2009 йил 15 август,  
2009-26-сон

**Б. ПАРПИЕВ**

**Ўзбекистон алоқа ва  
ахборотлаштириш  
агентлиги Бош директори**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 15 август,  
252-сон

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки  
Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда  
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш  
агентлигининг 2009 йил 15 августдаги  
311-В, 2009-26, 252-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Тўлов агентлик тармоғи орқали жисмоний шахсларнинг  
тўловларини қабул қилиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ–57-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 39-сон, 296-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2000 й., 9-10-сон, 146-модда) мувофиқ тўлов агентлик тармоғи орқали жисмоний шахсларнинг тўловларини қабул қилиш тартибини белгилайди.

**1. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом қуйидаги:

- а) юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан бевожита жисмоний шахсларга товарларни сотиш (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш) бўйича;
- б) юридик шахслар ва/ёки якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш бўйича;
- в) Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари фойдасига;
- г) нақд пулсиз тартибдаги, жисмоний шахслар томонидан банк пластик карталаридан фойдаланиш бундан мустасно, шунингдек, «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республи-

каси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 51-сон, 373-модда) мувофиқ чакана савдо тизимидаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муносабатларга татбиқ этилмайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**бош агент** — етказиб берувчилар билан тузилган шартномалар асосида ўзининг тўлов пунктлари ёки тўлов агентлари ва субагентларнинг тўлов пунктлари орқали етказиб берувчилар кўрсатган хизматлар учун дастурий-аппарат мажмуидан фойдаланган ҳолда жисмоний шахслардан тўловларни қабул қилиш бўйича воситачилик хизматларини кўрсатувчи юридик шахс;

**кафиллик бадали** — шартнома бажарилишини таъминлаш мақсадида тўлов агенти/субагенти томонидан бош агентга ва бош агент томонидан етказиб берувчига ўтказиладиган, тўловларни амалга ошириш учун закат хисобланган пул маблағи;

**етказиб берувчи** — сотилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар (бундан кейинги ўринларда хизматлар деб юритилади) учун жисмоний шахслардан пул маблағларини қабул қилувчи, бош агент билан шартномага эга бўлган юридик шахс, кредит ташкилотлари бундан мустасно;

**терминал** — бош агентнинг дастурий-аппарат мажмуидан (бундан кейинги ўринларда дастурий-аппарат мажмуи деб юритилади) фойдаланган ҳолда, жисмоний шахсларнинг тўловларини амалга ошириш учун стационар ёки мобил қурилма (тармоққа симсиз боғланувчи ва мустақил энергия билан таъминланувчи портатив-кўчма қурилма), шу билан бирга, ўз-ўзига хизмат қилиш қурилмаси (тўлов агенти/субагент иштироки билан ёки унинг иштирокисиз тўловларни қабул қилувчи ўз-ўзига хизмат қилиш киоскалари);

**тўлов агентлик тармоғи** — ўзаро тузилган шартномалар асосида фаолият юритувчи бош агент, тўлов агентлари ва субагентларни қамраб олувчи тизим;

**тўлов агенти/субагент** — жисмоний шахслардан тўловларни стационар ёки мобил тарзда қабул қилиш бўйича фаолиятни бош агент билан тузилган шартнома асосида амалга оширувчи юридик шахс ва/ёки яқка тартибдаги тадбиркор;

**тўловчи** — етказиб берувчининг олдидаги пул мажбуриятларини бажариш мақсадида, шу жумладан етказиб берувчининг хизматларига олдиндан тўловни амалга ошириш учун бош агент ёки тўлов агенти/субагентга пул маблағларини тўловчи жисмоний шахс.

3. Тўловчиларнинг етказиб берувчилар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқалар олдидаги пул мажбуриятларини бажариш учун тўловчилардан тўловларни қабул қилиш бош агент ёки тўлов агенти/субагент томонидан амалга оширилади.

## II. Бош агентни рўйхатга олиш тартиби

4. Юридик шахсни бош агент сифатида рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан кейинги ўринларда Марказий банк деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

5. Юридик шахсни бош агент сифатида рўйхатдан ўтказиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 140 минг баробари миқдорда ҳақ ундирилади. Устав фондида давлат улуши 25 фоиздан ортиқ бўлган юридик шахс рўйхатдан ўтишда тўловдан озод этилади.

6. Марказий банкда бош агент сифатида рўйхатга олингунга қадар юридик шахс:

а) 200 000 евро эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда шакллантирилган устав фондига;

б) Тўловларни йиғиш бўйича хизмат кўрсатиш юзасидан:

уяли алоқа операторлари;

Тошкент шаҳар телефон тармоғи;

аҳолига электр энергиясини ва табиий газни етказиб берувчи ташкилотлар билан имзоланган дастлабки шартномаларга;

в) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан берилган лицензияга;

г) кейинчалик тегишли сертификат бериш билан дастурий-аппарат мажмуида тўлов агентлари/субагентларни ишлаши учун тайёрлов ўқув дастурига;

д) дастурий-аппарат мажмуининг ахборот ва бошқа хавфсизлик, барқарорлик ва узлуксизлик талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг эксперт хулосасига;

е) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжуд бўлган дастурий-аппарат мажмуига;

ж) дастурий-аппарат мажмуининг турли хил ҳужжат айланишида электрон рақамли имзоларга;

з) Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуди бўйича 15 мингдан кам бўлмаган миқдордаги тўлов агентлари/субагентларга;

и) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган ўзининг маҳсулот белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига эга бўлиши лозим.

7. Мазкур Низомнинг 6-банди талабларига жавоб берувчи юридик шахс Марказий банкка бош агент сифатида рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза (бундан кейинги ўринларда ариза деб юритилади) тақдим этади.

Аризага:

рўйхатдан ўтказиш учун тегишли тўловни амалга оширилганлигини тасдиқловчи банк тўлов ҳужжати;

юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

устав фонди шакллантирилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва ҳисобот даври учун бухгалтерия балансининг нусхаси (янги ташкил этилган ташкилотлар бундан мустасно);

етказиб берувчилар билан имзоланган дастлабки шартномалар нусхалари;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан берилган лицензиянинг нусхаси;

бош агентнинг дастурий-аппарат мажмуида ишлашга ўқитиш бўйича қўлланмаси ва тўлов агенти/субагентга ўқишдан ўтганлиги тўғрисида бериладиган сертификатнинг намунаси;

дастурий-аппарат мажмуининг ахборот ва бошқа хавфсизлик, барқарорлик ва узлуксизлик талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг эксперт хулосаси нусхаси;

тўлов агенти/субагентларнинг номига рўйхатга олинган қоғоз кўринишидаги электрон рақамли имзо калитлари сертификатларининг реестридан кўчирма;

аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган 15 мингдан кам бўлмаган тўлов агенти/субагент мавжудлиги ҳақидаги охириги аудиторлик текшируви ҳисоботидан кўчирма;

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси томонидан берилган маҳсулот белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси гувоҳномасининг нусхаси илова қилинади.

Мазкур бандда кўрсатилган ҳужжатлардан бирининг йўқлиги аризани қайтариш учун асос бўлади.

8. Талаб этиладиган ҳужжатлар илова қилинган ариза қабул қилинган кундан бошлаб 30 иш кунидан кечиктирмасдан рўйхатга олиш тўғрисидаги қарор ёки асослантирилган рад жавоби қабул қилинади.

Рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун асос бўлган сабаблар бартараф этилгандан кейин, рўйхатдан ўтказиш рад этилган санадан 3 ой ўтгандан сўнг юридик шахс Марказий банкка қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

9. Марказий банк қарор қабул қилингандан сўнг 3 кун мобайнида юридик шахсни қабул қилинган қарор ҳақида ёзма равишда хабардор қилади. Рўйхатдан ўтказиш рад қилинган тақдирда тўланган тўлов суммаси беш банк куну мобайнида қайтариб берилиши лозим.

Рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Марказий банк бош агентни рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома беради.

### **III. Бош агент билан тўлов агенти/субагент ўртасидаги шартномаларни тузиш тартиби**

10. Тўловчилардан тўловларни қабул қилиш учун бош агент тўлов агенти билан шартнома тузади.

11. Тўлов агенти субагентлар билан шартномалар тузиш ҳуқуқига эга.

12. Бош агент билан тўлов агенти, шунингдек, тўлов агенти билан субагент ўртасида тузиладиган шартномада шартнома предмети, томонларнинг ўзаро муносабатлари ва ҳисоб-китоб тартиби, тўловларни қабул қилиш тартиби, етказиб берувчилар рўйхати, тўлов агенти/субагент тўловлар-



ни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган хизмат турлари, мукофот пули миқдори, тарафларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш тартиби, шартноманинг амал қилиш муддати, бош агент маҳсулот белгисидан ва хизмат кўрсатиш белгисидан фойдаланиш тартиби, тўловларни қабул қилиш пунктини жойлаштириш тартиби, шунингдек, бошқа шартлар белгиланган бўлиши лозим.

13. Бош агент билан тўлов агенти, шунингдек, тўлов агенти билан субагент ўртасида шартнома тузишда тўлов агенти ва субагент қуйидаги ҳужжатларнинг нусхасини тақдим этишлари шарт:

а) тўлов агенти/субагентнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани;

б) тўлов агенти/субагент раҳбарининг (якка тартибдаги тадбиркорнинг) паспортини;

в) тўловларни қабул қилиш пункти сифатида фойдаланиладиган жойнинг ижара шартномасини ёки тўлов агенти/субагентнинг жойга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни;

г) тўловларни киритиш учун махсус ҳисобварақ очиш тўғрисидаги хизмат кўрсатувчи банк билан тузилган шартномани.

14. Мазкур Низомнинг 13-бандида белгиланган ҳужжатларни тақдим этмаган тўлов агенти/субагент билан шартнома тузишга йўл қўйилмайди.

15. Тўлов агенти/субагент тўловчилардан тўловларни тўлов агенти/субагентнинг ҳисобварағидан бош агент/тўлов агенти ҳисобварағига ўтказилган кафиллик бадали миқдорида қабул қилади.

16. Тўловларни амалга оширилиши учун тўлов агенти/субагентнинг дастурий-аппарат мажмуида аутентификацияси бош агент билан тўлов агенти/субагент ўртасида имзоланган шартномада кўзда тутилган логин ва пароль бериш йўли билан ҳамда бошқа хавфсиз фойдаланиш воситалари орқали амалга оширилади.

#### **IV. Тўловларни амалга ошириш тартиби**

17. Тўловчилардан тўловларни қабул қилиш усуллари ва имкониятлари етказиб берувчи билан бош агент ўртасида тузилган шартномада белгиланади. Бунда, тўловни қабул қилиш шартлари ва тўловчининг асосий идентификация маълумотлари аниқ ва тўлиқ қайд этилиши лозим.

18. Тўловчининг етказиб берувчи олдидаги пул мажбурияти тўлов амалга оширилгандан сўнг тўловчига бериладиган чек олинган вақтдан бажарилган ҳисобланади.

19. Тўловни қабул қилиш хизматини кўрсатишда тўловчидан бош агент ёки тўлов агенти/субагент томонидан белгиланган тарифларга мувофиқ мукофот пули олинishi мумкин. Бунда, тарифлар барчанинг танишиши мумкин бўлган жойга жойлаштирилиши лозим.

Бош агент ёки тўлов агенти/субагент ўз хизматлари учун олинadиган

мукофот пулидан ортиқ миқдорда қўшимча маблағ (устама нарх) белгилашга ва тўловчидан ундиришга ҳақли эмас.

Тўловчининг ҳуқуқлари бузилган тақдирда, бош агент ёки тўлов агенти/субагент қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

20. Тўлов хато амалга оширилганида бош агент ёки тўлов агенти/субагент амалга оширилган тўловни бекор қилиши лозим. Тўловни амалга оширилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжат тақдим этилганда, тўлов бекор қилинади.

Амалга оширилган тўловни бекор қилиш тартиби бош агент томонидан белгиланади.

21. Қабул қилинган тўловлар ҳақидаги маълумотлар дастурий-аппарат мажмуида ва етказиб берувчининг электрон мосламаларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддат давомида сақланади.

22. Мобиль қурилмалардан фойдаланувчи бош агент ёки тўлов агенти/субагент потенциал тўловчининг манзилига ташриф буюрган ҳолда тўловларни қабул қилиш хизматини кўрсатиш ҳуқуқига эга. Бунда, тўлов сўзсиз мобиль қурилмадан фойдаланиб, аниқ вақт режимида чек берган ҳолда амалга оширилади.

#### **V. Тўлов амалга оширилгандан кейин тўловчиларга бериладиган чеклар**

23. Тўлов муваффақиятли амалга оширилгандан сўнг тўловчига чек берилиши лозим.

24. Бош агент ёки тўлов агенти/субагент томонидан пул маблағлари қабул қилингандан сўнг тўловчига чек бермаслик, бош агент ёки тўлов агенти/субагент қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

25. Чекда қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

а) бош агентнинг номи ёки бош агентнинг рўйхатга олинган махсулот белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси;

б) бош агент ёки тўлов агенти/субагентнинг СТИРи;

в) етказиб берувчининг номи ва тўланган хизмат тури;

г) дастурий-аппарат мажмуида рўйхатга олинган тўлов агенти/субагент терминалининг рақами;

д) тўловчининг идентификация маълумотлари (телефон рақами, шахсий ҳисобварақ рақами ва ҳоказо);

е) тўловни амалга ошириш санаси ва вақти;

ж) қабул қилинган пул маблағларининг умумий миқдори;

з) мукофот пули ундирилганда, тўловчи томонидан тўланадиган миқдори;

и) тўловни амалга ошириш шартлари (аниқ вақт режимида ёки кечиктирилган ҳолда);

к) хизматлар моҳиятидан келиб чиқадиган бошқа муҳим маълумот.

26. Тўлов амалга оширилгандан сўнг тўловчига бериладиган чеклар хизматлар тўловини тасдиқловчи ҳужжатларга тенглаштирилади.

## **VI. Ўз-ўзига хизмат қилиш қурилмаси орқали тўловни амалга ошириш**

27. Дастурий-аппарат мажмуига боғланган ўз-ўзига хизмат қилиш қурилмаси орқали тўловчи томонидан тўлов амалга оширилиши мумкин.

28. Ўз-ўзига хизмат қилиш қурилмаси ва унинг жойлашуви қонун ҳужжатларида белгиланган барча хавфсизлик талабларига жавоб бериши шарт.

29. Ўз-ўзига хизмат қилиш қурилмаси бошқа терминаллар каби мазкур Низом билан белгиланган талабларга жавоб берадиган тегишли чекларни чиқариб бериши лозим.

30. Ўз-ўзига хизмат қилиш қурилмасини жойлаштириш учун бош агент ёки тўлов агенти/субагент ўз-ўзига хизмат қилиш қурилмасини ушбу жойда ўрнатиш ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган барча керакли ҳужжатларга эга бўлиши лозим.

31. Бош агент ёки тўлов агенти/субагент ўз-ўзига хизмат қилиш қурилмасига хизмат кўрсатиш бўйича кузатувчи ва профилактик-техника ишларини олиб борувчи жавобгар шахсни тайинлаши лозим.

32. Бош агент ёки тўлов агенти/субагент ўз-ўзига хизмат қилиш қурилмасида йиғилган нақд пул маблағларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда инкассация қилади.

33. Ўз-ўзига хизмат қилиш қурилмасида йиғилган нақд пул маблағларини инкассация қилиш тартибини бузганлик учун бош агент ёки тўлов агенти/субагент қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

34. Ўз-ўзига хизмат қилиш қурилмаси тўловчига етказиб берувчиларнинг хизмати учун тўловни амалга ошириш мақсадида ўз-ўзига хизмат қилиш қурилмасидан фойдаланиш бўйича қисқа йўриқнома/маълумот билан танишиш имкониятини бериши лозим.

35. Ўз-ўзига хизмат қилиш қурилмаси тўловчи учун тўлов амалга ошириладиган етказиб берувчи хизмати бўйича керакли маълумотларни (етказиб берувчилар рўйхати, мукофот пули миқдори ва шу кабилар), шу жумладан, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳар қандай маълумотни (ахборот хабарлари ва бошқаларни) ўз ичига олиши мумкин.

## **VII. Тўлов агенти/субагентлар томонидан тўловни амалга ошириш учун кафиллик бадалини махсус ҳисобвараққа ўтказиш тартиби**

36. Тўловларни қабул қилиш хизматни кўрсатиш ва шартнома шартларини бажариш мақсадида тўлов агенти/субагент бош агентга, бош агент етказиб берувчига кафиллик бадалини ўтказиб беради.

37. Кафиллик бадалининг бошланғич миқдори бош агент билан етказиб берувчилар, шунингдек, бош агент билан тўлов агенти, тўлов агенти билан субагент ўртасида тузиладиган шартномаларда белгиланади.

38. Кейинчалик кафиллик бадали миқдори бир кундан кам бўлмаган муддат давомида қабул қилинган тўловлар хажми ҳисобидан томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланади.

39. Кафиллик бадали етказиб берувчи томонидан бош агентдан ёки бош агент томонидан тўлов агентидан, тўлов агенти томонидан эса субагентдан Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида қабул қилинади.

40. Кафиллик бадали учун етказиб берувчи ва бош агент ёки тўлов агенти томонидан фоизлар ҳисобланмайди.

41. Тўлов агенти кафиллик бадали сифатида пул маблағларини бош агент ҳисобварағига, субагент тўлов агенти ҳисобварағига ўзининг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидан ўз вақтида ўтказиб бериши лозим.

42. Кафиллик бадалининг фойдаланилмай қолган маблағлари бош агентга ёки тўлов агенти/субагентга тегишли шартнома ўз кучини йўқотган ёки бекор қилинган ҳолларда қайтариб берилади.

### **VIII. Банк ҳисоварақларидаги пул маблағлари ҳисобини юритиш ва уларни ишлатиш тартиби**

43. Бош агент ёки тўлов агенти/субагентнинг аризасига асосан хизмат кўрсатувчи банк 22604 баланс ҳисобварағида «Мижозларнинг бошқа депозитлари — Жамғарма — Мақсадли» махсус ҳисобварақ очади.

44. Махсус ҳисобварақ очиш учун бош агент ёки тўлов агенти/субагент хизмат кўрсатувчи банкка пул тушумини инкассация қилиш тўғрисидаги шартномани тақдим қилади.

45. Бош агент ёки тўлов агенти/субагентнинг махсус ҳисобварағи улар томонидан нақд пул маблағларини инкассация хизмати орқали топшириш йўли билан тўлдирилиши лозим.

46. Бош агент ёки тўлов агенти/субагент инкассация халталарига савдо тушумини солишда юк хати ва илова қайдномасининг орқа томонига қуйидаги ёзувни киритади:

«Бош агент ёки тўлов агенти/субагентнинг тўловчилардан тўловларни қабул қилиш бўйича нақд пул тушуми \_\_\_\_\_ сўмни ташкил этади».

47. Бош агент ёки тўлов агенти/субагентнинг инкассация қилинган тушуми 19903 — «Инкассация қилинган пул тушумлари ва чеклар» ҳисобварағи орқали 22604 — «Мижозларнинг бошқа депозитлари — Жамғарма — Мақсадли» ҳисобварағига ўтказиб берилади. Бошқа банк миջозининг инкассация қилинган нақд пул тушумини ўтказиш учун 29804 — «Бошқа банклар миჯозларининг инкассация қилинган пул тушумлари ва чеклари» ҳисобварағи очилади.

48. Жисмоний шахсларнинг банк пластик карточкаларидан келиб тушган маблағларни киритиш учун 555 билан тугаган 29814 — «Мижознинг

ҳисобварағига ўтказилиши лозим бўлган, терминаллар орқали келиб тушган тушумлар» ҳисобварағи очилади.

49. Банклар ўз навбатида кейинги иш кунидан кечиктирмасдан 29804 ёки 29814 ҳисобварақларига ўтказилган маблағларни бош агент ёки тўлов агенти/субагентнинг 22604 — «Мижозларнинг бошқа депозитлари — Жамғарма — Мақсадли» ҳисобварағига мемориал ордер билан ўтказди.

50. Кафиллик бадалини тўлдириш бош агент ёки тўлов агенти/субагентнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидан фақатгина 22604 махсус ҳисобварағидан ўтказилган маблағ доирасида амалга оширилади.

51. Хизмат кўрсатувчи банклар бош агент ёки тўлов агенти/субагентнинг махсус ҳисобварағига фақатгина бош агент ва тўлов агенти/субагент томонидан тўловларни амалга ошириш хизматини кўрсатиш бўйича қабул қилинган нақд пул маблағларининг киритилишини таъминлашга жавобгардирлар.

52. Бош агент ҳар ойнинг ўнинчи санасидан кечиктирмасдан Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармаларига тўлов агентлик тармоғи орқали амалга оширилган тўловлар тўғрисида маълумот тақдим этади.

### **IX. Тўлов агентлик тармоғини дастурий ва техник таъминлаш**

53. Тўлов агентлик тармоғи етказиб берувчининг тизимига уланиш ва тўловчиларнинг тўловлари ҳақидаги маълумотларни узатиш имконини берувчи дастурий-аппарат мажмуидан фойдаланади.

54. Тўлов бош агентнинг етказиб берувчи ва бош агент, бош агент ва тўлов агенти, тўлов агенти ва субагент ўртасида тузилган шартнома асосида белгиланган қоидаларга мувофиқ умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоғидан фойдаланган ҳолда, тўловчиларнинг тўловларини қабул қилиш бўйича етказиб берувчи, бош агент, тўлов агенти/субагентнинг биргаликдаги фаолияти орқали амалга оширилади.

55. Етказиб берувчи ва бош агент дастурий-аппарат мажмуи орқали тўлов агенти/субагентнинг тўловлари ўтишида ишнинг узлуксизлиги ва барқарорлигини таъминлаши лозим.

56. Дастурий-аппарат мажмуида узилишлар ёки ишларнинг ёмонлашуви юз берган тақдирда, етказиб берувчи ва бош агент шартномада белгиланган муддатда ва шаклда бир-бирларига бу ҳақда хабар беришлари лозим. Бундай ҳолатлар юз берганда, бош агент шартномада белгиланган муддатда ва шаклда тўлов агенти/субагентни жорий нуқсонлар ҳақида хабардор қилиши лозим.

57. Тўлов агенти/субагент дастурий-аппарат мажмуига бош агентнинг розилигисиз ўзгартиришлар киритишга ва ундан фойдаланишга ҳақли эмас.

58. Қабул қилинаётган тўловларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тўлов агенти/субагент бош агент томонидан берилган дастурий-аппа-

рат мажмуига уланиш имкониятининг ҳар қандай воситаларини учинчи шахсларга тақдим этмаслиги шарт.

### **Х. Тўлов агентлик тармоғининг хавфсизлигини таъминлаш**

59. Бош агент ёки тўлов агенти/субагент, шунингдек, етказиб берувчининг дастурий-аппарат мажмуида хавфсизлик ва ахборот муҳофазасини таъминлаш бўйича, шу жумладан, ҳар қандай қурилмаларга рухсатсиз кириш, уларга ўзгартириш киритиш, уларнинг йўқолиши, йўқ қилиниши ва блокировка қилинишининг олдини олувчи талабларни ишлаб чиқиши ва риоя этиши лозим.

60. Бош агент ёки тўлов агенти/субагент, шунингдек, етказиб берувчига дастурий-аппарат мажмуида хавфсизлик ва ахборот муҳофазасини таъминлашнинг қўшимча воситалари ва усулларини ўрнатиши мумкин.

### **ХІ. Яқуний қоидалар**

61. Тўловчилардан тўловларни қабул қилиш хизматини кўрсатиш бўйича фаолият юритаётган юридик шахслар мазкур Низом кучга киргандан кейин бир ой муддат ичида Марказий банкда бош агент сифатида рўйхатдан ўтишлари шарт.

62. Давлат солиқ хизмати органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлов агентлик тармоғи фаолияти устидан назоратни амалга оширади ва улар томонидан нақд пул тушумини банк кассаларига инкассация хизмати орқали топширилишини мониторинг қилади.

Давлат солиқ хизмати органлари бош агент, тўлов агенти/субагентнинг фаолиятини текшириш пайтида тўловчилардан қабул қилинган нақд пул тушумини ҳақиқатда банк кассаларига топширилган нақд пул тушуми билан солиштиради.

63. Мазкур Низомга мувофиқ ўз фаолиятини амалга оширадиган томонлар ўртасида юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИНИНГ  
ҚАРОРИ

**400** Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар-  
ни чиқариш, давлат рўйхатига олиш ва сўндириш  
(бекор қилиш) тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш  
ҳақидаги қарор ва унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучи  
ни йўқотган деб топиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
3 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1216-6*

*(2009 йил 13 сентябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-  
ги Қонунига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпла-  
ми, 2008 йил, 29-30-сон, 278-модда) Ўзбекистон Республикаси Марказий  
банкни Бошқаруви ва Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғоз-  
лар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази **қарор  
қиладилар:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкни Бошқаруви ва Давлат мул-  
ки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқ-  
лаштириш ва назорат қилиш марказининг 2002 йил 30 ноябрдаги 26/11 ва  
2002-15-сонли «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни чиқариш,  
давлат рўйхатига олиш ва сўндириш (бекор қилиш) тартиби тўғрисидаги  
низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1216, 2003 йил  
12 февраль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари  
ва идораларининг меъёрий меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 йил,  
3-сон);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкни Бошқаруви ва Давлат мул-  
ки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқ-  
лаштириш ва назорат қилиш марказининг 2004 йил 8 майдаги 228-В-1 ва  
2004-07-сонли «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни чиқариш,  
давлат рўйхатидан ўтказиш ва сўндириш (бекор қилиш) тартиби тўғрисида  
низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат  
рақами 1216-1, 2004 йил 26 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжат-  
лари тўплами, 2003 йил, 21-сон, 257-модда);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкни Бошқаруви ва Давлат мул-  
ки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқ-  
лаштириш ва назорат қилиш марказининг 2005 йил 19 мартдаги 5/4 ва 2005-  
1216-02-сонли «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни чиқариш,

давлат рўйхатига олиш ва сўндириш (бекор қилиш) тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1216-2, 2005 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 17-18-сон, 135-модда);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2006 йил 28 февралдаги 228-В-3 ва 2006-02-сонли «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни чиқариш, давлат рўйхатига олиш ва сўндириш (бекор қилиш) тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1216-3, 2006 йил 10 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 10-сон, 79-модда);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2006 йил 30 октябрдаги 228-В-4 ва 2006-12-сонли «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни чиқариш, давлат рўйхатига олиш ва сўндириш (бекор қилиш) тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1216-4, 2006 йил 7 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 45-сон, 449-модда);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2007 йил 21 июлдаги 228-В-5 ва 04/18-371-сонли «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни чиқариш, давлат рўйхатига олиш ва сўндириш (бекор қилиш) тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1216-5, 2007 йил 7 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 31-32-сон, 338-модда).

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 6 июнь,  
17/2-сон

**Қимматли қоғозлар бозори  
фаолиятини мувофиқлаштириш ва  
назорат қилиш маркази  
Бош директори**

**К. ТОЛИПОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 6 июнь,  
2009-31-сон



**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2009 йил 29 августдан 4 сентябргача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

***1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директорининг 2009 йил 16 июлдаги 2009-40-сонли буйруғи.*

*2009 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2000 (2009 йил 9 сентябрдан кучга киради).*

2. «Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бош қарувининг 2009 йил 15 августдаги 23/2-сонли қарори.*

*2009 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1648-4 (2009 йил 9 сентябрдан кучга киради).*

3. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхатига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташиқ иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2009 йил 15 августдаги 80, 84, ЭГ-в-01/10-5247, 01-02/20-21-сонли қарори.*

*2009 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1802-2 (2009 йил 9 сентябрдан кучга киради).*

4. «Футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларига ўқувчилар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат тест марказининг 2009 йил 19 августдаги 31, 25/ҚҚ-сонли қарори.*

*2009 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2001 (2009 йил 9 сентябрдан кучга киради).*

5. «Тўлов агентлик тармоғи орқали жисмоний шахсларнинг тўловлари-

ни қабул қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2009 йил 15 августдаги 311-В, 2009-26, 252-сонли қарори.*

**2009 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2002 (2009 йил 9 сентябрдан кучга киради).**

6. «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни чиқариш, давлат рўйхатига олиш ва сўндириш (бекор қилиш) тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор ва унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2009 йил 6 июндаги 17/2, 2009-31-сонли қарори.*

**2009 йил 3 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1216-6 (2009 йил 13 сентябрдан кучга киради).**

## **II. Давлат реестрдан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикасида олий ўқув юртлари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги вақтинчалик низом. *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 242, 1996 йил 2 май).*

**Адлия вазирининг 2009 йил 5 июндаги 129-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

2. Корпоратив облигацияларни чиқариш, рўйхатга олиш ва сўндириш тартиби тўғрисида низом, 1 ва 2-сон ўзгартиш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1158, 2002 йил 10 июль), (рўйхат рақами 1158-1, 2004 йил 26 май), (рўйхат рақами 1158-2, 2006 йил 11 сентябрь).*

**Адлия вазирининг 2009 йил 30 августдаги 187-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

3. Акциядорлик жамиятлари акциялари чиқарилувини давлат рўйхатига олиш ва чиқарилувни бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низом, 1 ва 2-сон ўзгартиш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1159, 2002 йил 10 июль), (рўйхат рақами 1159-1, 2003 йил 12 ноябрь), (рўйхат рақами 1159-2, 2006 йил 20 январь).*

**Адлия вазирининг 2009 йил 30 августдаги 187-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

4. Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни чиқариш, давлат рўйхатига олиш ва сўндириш (бекор қилиш) тартиби тўғрисида низом, 1, 2, 3, 4 ва 5-сон ўзгартиш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1216, 2003 йил 12 февраль), (рўйхат рақами 1216-1, 2004 йил 26 май), (рўйхат рақами 1216-2, 2005 йил 27 апрель), (рўйхат рақами 1216-3, 2006 йил 10 март), (рўйхат рақами 1216-4, 2006 йил 7 ноябрь), (рўйхат рақами 1216-5, 2007 йил 7 август).*

*Адлия вазирининг 2009 йил 30 августдаги 204-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестрдан чиқарилди.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ  
МАЪЛУМОТЛАРИ  
МИЛЛИЙ БАЗАСИ

## ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

***LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:***

*норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:*

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

*излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг кўйидаги имкониятлари мавжуд:*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

*респондент ҳужжатлар рўйхати;*

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

*фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:*

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

*фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.*

**WWW.LEX.UZ**

**сайтига марҳамат қилинг**